

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ НАЗАРИЯСИ, АМАЛИЁТИ ВА ТАРИХИ
КАФЕДРАСИ
СОАТОВА ШАҲНОЗА ЖУРАҚУЛОВНА**

**“ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ЖУРНАЛИСТ
ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ”**

**5320400-халқаро журналистика таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

_____ Жаҳон журналистика
назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси
мудираси ф.ф.н, доц. Н.Тошпўлатова

2013 йил “_____” _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

_____ Ё.Эркабоева

2013 йил “_____” _____

Тошкент-2013

Кириш.....	3-7
Биринчи боб. Фавқулодда вазиятларда журналист фаолияти.	
1.1. Фавқулодда вазиятлар тушунчаси ва таснифи.....	8-23
1.2. Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистлар фаолиятига қўйилган ўзига хос талаблар ва ҳуқуқий кафолатлар.....	24-43
Иккинчи боб. Фавқулодда вазиятларни ёритишда журналистиканинг янги кўринишлари ва ихтисослашувнинг юзага келиши.	
2.1. Фавқулодда вазиятларда фаолият юритадиган янги журналистика кўринишлари (стрингер,хеликоптер,фрилансер) ва ҳуқуқий омиллари....	44-52
2.2.Фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашган ОАВ(Англия,Ўзбекистон) мисолида.....	53-58
Хулоса.....	59-61
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	62-64

Кириш

**“Хавфсизлик, барқарорлик ва
собитқадамлик, ҳар бир халқнинг
тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун
мустаҳкам пойдевор яратади”¹.**

Ислом Каримов

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт ва жамият муносабатларини янгилаш йўлига кириб, тараққий этган давлатлар қаторида ўзининг муносиб ўрнини топишга, келажаги буюк давлат бўлишга интилмоқда. Республикамиз президенти И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида “Ислохотнинг бу мураккаб йўлини танлаб, қандай муаммолар, қийинчилик ва синовлар билан юзма-юз келишимизни тасаввур қила оламизми?”, деган саволни ўртага бежиз қўймаган эди. Чунки ўтган йиллар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон келажакдаги асосий уч масала, хавфсизликни қандай сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт йўлидаги устивор мувозанатни қандай сақлаб қолиш масалаларини ҳал қилиш лозим. Дарҳақиқат ушбу оддий хавфсизлик, барқарорлик, устиворлик сўзларида чуқур маъно яширинган. Бу сўзлар халқимизни ҳар қандай ғавқулодда вазиятлардан ҳимоялаш муаммосига бевосита алоқадор ва ҳозирги пайтда умумдавлат аҳамиятига эгадир. Гап шундаки, XX асрнинг охириги ўн йиллиги башарият тарихида – “совуқ” урушнинг тугаши, оммавий қирғин қуроллари ва биринчи навбатда ядро қуролини ишлаб чиқариш, синаш ва қўллашни аста-секин таъқиқлашга ўтиш билан белгиланади. Аввалги қарама-қарши сиёсий тизимларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида аҳоли

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида :Хавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Тошкент, 1997й.

ядро куролидан химояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозир фуқаро муҳофазаси янги – “етарли зарурат” принципи асосида тузилгандир. Марказий Осиё ҳудудида яшовчи аҳолини турли табиий офатлар, авария ва бўлиши мумкин бўлган ҳудудий урушлар пайтида ҳавфсизликни таъминлайди ва маблағ воситаларини тежайди. Буни инобатга олган ҳукумат, давлатимиз раҳбарияти мазкур масала билан махсус шуғилланувчи орган Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этди. Унинг асосий вазифаси: фавқулодда вазиятларни олдини олиш, рўй берган тақдирда бартараф этиш, инсон ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларни камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир². Албатта, бу вазифаларни бажариш биргина вазирлик ва унинг тасарруфидаги тармоқ ташкилотларининг ягона вазифаси бўлмай мазкур хайрли ишда Республикада мавжуд бўлган барча вазирлик ва идоралар ўз фаолияти доирасида салмоқли улуш қўшишлари шарт. Шу боис ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди(1997). Мазкур қарорда ҳар бир вазирлик, идора, ташкилот учун ўз йўналиши бўйича аниқ функциялар белгилаб қўйилган.

Энг муҳими ҳар бир раҳбардан то кичик ходимгача шу вазифаларни англаш, тўғри тушунтириш, уларни ижросини таъминлашда ОАВ нинг аҳамияти катта. Ҳозирги таҳликали замонда ОАВ да кўпроқ фавқулодда ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни бериш оммавий тус олган. Қаердадир цунами бўлгани, авиаҳалокат юз бергани, поездлар тўқнашгани, этник гуруҳлар, халқлар орасида низолар келиб чиққани ёки террорчилик ҳаракати содир этилганлиги ҳақидаги хабарлар узатиладиган кундалик ахборотлардан албатта, ўрин олган. Бундай ахборотлар ҳақида гап кетар экан, фавқулодда вазиятларда журналистларнинг иштирок этиш масаласи кун тартибига чиқади. Қайноқ

²Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент. 1997

нуқталарда, ҳарбий ҳаракатлар содир бўлаётган жойларда журналистларнинг иштирок этиши тўғрими? Уларнинг ҳавфсизлиги ким томонидан кафолатланади? Журналистларнинг иштироки воқеалар ривожига қандай таъсир кўрсатади? Бу саволлар XX аср ўрталаридан жаҳон журналистикасининг долзарб масалаларидан бири сифатида кун тартибидан ўрин олган ва бу ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

ОАВ нинг ҳақиқий кучи ҳам, мавқеи ҳам бизнинг назаримизда фақат ва фақат ҳақиқатни ёритишда, ҳақиқатни тарғиб этишда, ҳақиқат томонда туришдадир.³ Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мазкур илмий ишнинг долзарблиги шу билан белгиланадики, дунёда содир бўлаётган турли хил фавқулодда вазиятларнинг фавқулодда вазиятлар журналистлари томонидан аниқ, батафсил ва холис тафсилотларини етказиш ва уларни огоҳлантириш ҳамда бу борада журналистларнинг қайноқ нуқталарда ҳавфсиз фаолият олиб боришлари учун ҳуқуқий кафолатланиши масаласини ўрганишдир.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Журналистларнинг фавқулодда вазиятларда ўз фаолиятини олиб бориши қайноқ нуқталардан ахборот йиғиши ва ОАВ да ушбу жараёнларни ёритиши борасидаги уларнинг ҳуқуқий кафолатланишини ўрганиш, мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни атрофлича, холис, ҳаққоний ва тезкорлик билан ёритиш, факт ва далилларни чуқур таҳлил қилиш, жамиятда мавжуд муаммоларга нисбатан танқидий баҳо бера олишда ОАВ воситалари ва журналистлар фаолиятида ҳуқуқий билимларнинг ўрни ва аҳмиятини ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқ ва таҳлил қилиш ишнинг асосий мақсадидир. У қуйидаги вазифалар орқали амалга ошади:

- фавқулодда вазиятларда журналистнинг фаолиятини ўрганиш;
- фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистлар фаолиятига қўйилган ўзига хос талаблар ва ҳуқуқий кафолатларини ўрганиш;

³ Тошпўлатова Н. Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари. –Тошкент, 2012. Б.67.

-фавқулодда вазиятларни ёритишда журналистиканинг янги кўринишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

-фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашган ОАВ билан танишиш;

-фавқулодда вазиятларда журналистик материалларнинг жанр, тил, услуб хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги.

Хорижий давлатларда фавқулодда вазиятлар журналистикаси алоҳида йўналиш сифатида шаклланиб улгурган. Хусусан, АҚШ “Ҳеликоптер журналистикаси” номли махсус алоҳида кўриниш мавжуд. Ўзбекистонда Фавқулоддо вазиятлар вазирлиги муассислигида чиқадиган “Вазият” газетаси мисолида фавқулодда вазиятларда журналистларнинг ўзини тутиши, фавқулодда вазиятларнинг ёритиш тажрибаси амалий шаклда ривожланиб келмоқда. Бу йўналиш бизда илмий жиҳатдан тадқиқ этилишга муҳтож. Мазкур соҳада катта изланишлар, илмий тадқиқодлар амалга оширилмаган. Шу асосда айтиш мумкинки, ушбу танланган мавзу битирув малакавий ишнинг янгилигини ташкил этади.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Мазкур битирув малакавий ишининг методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг асарлари, хусусан, ОАВ ҳақидаги маъруза ва нутқлари ҳамда ОАВ ходимлари ва журналистларга йўллаган табрикларида билдирган фикрлари ташкил этади. Ишнинг назарий асослари мавзуга дахлдор назарий қўлланмалар, журналистик тадқиқот методларига ҳамда фавқулодда вазиятлар журналистикасига таалуқли назарий билимларга таянилади.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Илмий ишимиз **объектини** Ўзбекистон ҳамда Англия миқёсидаги фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашган ОАВ да ёритилган материалларни қиёсий таҳлил қилиш ташкил этади.

Имий ишининг **предмети** эса фавқулодда вазиятлар журналистикаси назарияси ҳамда унга тегишли назарий билимлар, соҳага таалукли қоида ва меъёрлардан иборат.

Битирув малакавий ишининг тузилиши.

Битирув малакавий иши кириш, асосий мазмунни ифода этувчи 2 боб, тўрт фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

БИРИНЧИ БОБ. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИ

1.1. Фавқулодда вазиятлар тушунчаси ва таснифи

Табиий офатлар инсоният бошига оғир кулфатлар солувчи экологик муҳитга, халқ хўжалигига бекиёс зарар етказувчи ҳодисалар ҳисобланиб, ҳар йили мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турли шаклларда содир бўлиб туради. Масалан, Фарғона водийси вилоятларида сел келиши, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳудудларида сув тошқини, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса чанг тўзонли шамоллар, “афғон” шамоллари таҳликали вазиятларни вужудга келишига сабаб бўлаётгани сир эмас.

Мамлакатимиз миллий давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиши, хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишдан иборатдир. Бу эса фавқулодда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бу хавфдан огоҳлантириш борасида самарали тадбирлар ўтказиш, фавқулодда вазият рўй берганда тезкор ҳаракат қилиш, инсонларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик, иқтисодий зарар кам бўлишини, хавфсизликни ўз вақтида таъминлашни тақозо этади. Бу борада Президентимиз бошчилигида ҳукуратимиз томонидан бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан аҳолини турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи Қонун ва қарорлар кенг миқёсда ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб доимо таъкидлайдилар. Фавқулодда вазият аҳоли ўртасида турли вазиятлардан сақланиш, муҳофаза тадбирларини уюшқоқлик билан олиб

боришга, Президентимиз «Юксак маънавиятга эга бўлган баркамол шахсни вояга етказиш» дек кенг миқёсда олиб борилаётган давлат сиёсатига ўз ҳиссасини қўшади.

Муҳофаза сиёсатини юритиш замон тақозаси бўлиб, дунёда юз бераётган табиий офатлар ва турли ҳалокатлар, авариялар муҳофаза тизимини яратиш ва уни такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини халқ хўжалиги иншоотлари ва соҳаларини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни юқори даражаларга кўтариш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса турли фавқулодда вазиятларни олдиндан башоратлаш ва аҳолини бундай вазиятлардан огоҳлантириш, талофат юз берган тақдирда кечиктириб бўлмас қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш ҳамда талофатлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш билан бирга, аҳолига бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар, уларни келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва бартараф этиш чора тадбирлари ҳамда фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилиш йўл-йўриқлари, фуқаро муҳофазасининг ҳуқуқий асослари, иқтисодий омиллари, муҳофаза тизими ва унинг куч ва воситалари тўғрисида тушунчалар беришни тақозо этади.⁴

Мустақиллик йилларида, Президентимиз И.А.Каримов олиб бораётган сиёсат негизида, аҳоли хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар маъсулиятини ва жамиятнинг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпгина қисми, XX аср поёнида мураккаблашиб бораётган турли хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларнинг таърифи, таснифи, келиб чиқиш сабабларини ва содир бўлгудек бўлса, аҳоли хавфсизлиги, инсон саломатлигини таъминлашдек муҳим тадбирларга бағишлангандир. Бу бежиз эмас албатта, ҳозирги шароитда мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодий объектларини муҳофаза қилишни юксак даражага кўтариш, уларни табиий ва техноген хусусиятдаги турли офатлардан

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Тошкент, 1997й.

сақлаб қолиш миллий давлат сиёсатининг устивор йўналишларидандир. Бу эса турли фавқулодда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бундай хавфлардан ўз вақтида огоҳлантириш борасида самарали тадбирлар ўтказиш, хавфли вазият рўй берган тақдирда тезкор ҳаракат қилиш ва хавфсизликни таъминлашни тақозо этади.

Кейинги вақтларда фавқулодда вазиятлар дунё миқёсида кўпайиб бораётганлиги сабабли давлатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир етказмоқда. Бинобарин, ватанимиз ҳудудлари ҳам турли фавқулодда вазиятлардан ҳоли эмас. Ўзбекистоннинг иқлими, табиий тузилиши табиий-геологик шароити ишлаб чиқариш тармоқларининг жойлашуви ўзиги хос турли фавқулодда вазиятлар юзага келиши ва тарқалишига сабаб бўлади. Шу боис, мазкур ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб ва муҳим жабҳалардан биридир.

Буни инобатга олган ҳукумат, давлатимиз раҳбарияти мазкур масалалар билан махсус шуғулланувчи орган Республика Фавқулодда Вазиятлар Вазирлигини ташкил этди(1996). Унинг асосий вазифаси: фавқулодда вазиятларни олдини олиш, рўй берган тақдирда бартараф этиш, инсон ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларни камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Албатта, бу вазифаларни бажариш биргина вазирлик ва унинг тасарруфидаги тармоқ ташкилотларининг ягона вазифаси бўлмай, мазкур хайрли ишда Республикада мавжуд бўлган барча вазирлик ва идоралар ўз фаолияти доирасида салмоқли улуш қўшишлари шарт.

Шу боис, ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди(1997). Мазкур қарорда ҳар бир вазирлик, идора ташкилоти учун ўз йўналиши бўйича аниқ функциялар белгилаб қўйилган.

Энг муҳими ҳар бир раҳбардан то кичик ходимгича шу фазифаларни англаш, тўғри тушунтириш уларни ижросини таъминлаш талаб этилади.

Бунинг учун Фавқулодда вазиятларнинг тури, таснифи ва тарқалиш ҳолатлари билан бир қаторда, аввало улар билан боғлиқ бўлган асосий атамалар, тушунчаларнинг мазмуни, моҳиятини ҳамда шу соҳанинг ҳукукий меъёрий ҳужжатларини тўғри англаб унга амал қилиш фуқароларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Келиб чиқиш сабабларига қараб, Фавқулодда Вазиятларнинг қуйидаги синфларини ажратиш мумкин: табиий офатлар, техноген фалокатлар, антропоген ва экологик фалокатлар ва ижтимоий-сиёсий келишмовчиликлар.⁵

Табиий офатлар-булар Фавқулодда характерга эга бўлган хавфли табиий ҳодиса ёки жараёнлардир, буларнинг натижасида аҳолининг катта қисми кундалик ҳаётининг ўзгариши, ўлим ҳодисалари, моддий бойликларнинг йўқолиши ва шунга ўхшаш рўй бериши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар. Буларга ер қимирлаши, сув тошқини, цунаме, вулқонларнинг отилиши, селлар, ер сурилиши, тўфонлар, ўрмонлар ва торфларнинг ёниши, қор уюмларининг сурилиши. Қурғоқчилик, сурункали қаттиқ совуқ. Эпидемиялар, ҳайвонлар орасида, ўсимликлар орасида касалликлар тарқалиши, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги зараркундаларининг кўпайиб кетиши ва бошқа салбий ҳодисалар киради.

Табиий офатлар геологик қатламларнинг жуда тез ҳаракати, ер ички энергиясининг эркинликка интилиши, сув сатҳининг кўтарилиши. Қаттиқ шамол таъсири остида содир бўлади. Айрим табиий офатлар инсон фаолиятининг эътиборсизлиги натижасида содир бўлади. Ҳар бир табиий офат одамлар соғлигига ёмон таъсир этувчи ўзига хос жароҳатловчи омили борлиги билан ажралиб туради.

Табиий офатлар мамлакат миқёсида айниқса ҳодиса рўй берган районлар учун катта фожеадир. Табиий офатлар натижасида мамлакатнинг иқтисоди

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида. 1996 й. 4-мартдаги ПФ-13-78-Фармони

оқсаб қолади. Сабаби ишлаб чиқариш корхоналари ишдан чиқади. Моддий бойликлар йўқ бўлиб кетади ва энг ачинарлиси одамлар ҳалок бўладилар, уйлари мол-мулклари вайронага айланади.

Табиий офатлардан зарар кўрган одамлар сони кўп бўлиши, шикастлар даражаси турли хил бўлиши мумкин.

Одамлар, энг кўпроқ сув тошқинларидан 40%, бўронлардан 20%, ер кимирилаши ва қурғоқчиликдан 15%, азият чекадилар. Қолган 10%и эса табиий офатларнинг бошқа турларидан азият чекадилар.

Техноген фалокатлар-булар машина, механизм, агрегатларнинг кутилмаганда ишдан чиқиши натижасида портлаш, ёнғин чиқиши, катта ҳудудларда радиоактив кимёвий ёки биологик заҳарланиш, катта гуруҳ одамларининг ўлимга олиб келиш ҳодисасидир

Техноген фалокатларга ишлаб чиқариш объектларида, қурилишда, автомобил, ҳаво транспорти, қувурларда, сув транспортида, ёнғин чиқиши портлаш ҳодисалари киради. Буларнинг натижасида биноларнинг бузилиши, радиоактив, кимёвий заҳарланишлар, ер ва сув сатҳига нефт маҳсулотлари, заҳарли газларнинг оқиб чиқиши кузатилади. Бу ҳолат табиийки, аҳолига ва атроф-муҳитга жиддий хавф тугдиради.

Техноген фалокатлар кўринишлари авариянинг турига қараб унинг ҳажмига ва авария содир бўлган корхонанинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир.

Техноген фалокатларга ташқи табиий омиллар таъсири, шунинг жумладан табиий офатлар, лойиҳа нуқсонлари, технологик жараённинг ва хавфсизлик қоидаларининг бузилиши сабаб бўлади.

Антропоген ҳалокатлар- одамларнинг ҳўжалик фаолияти туфайли, антропоген омиллар келтириб чиқарган биосферанинг озгаришидир. Бу одамларга, ҳайвонот дунёсига ва атроф- муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Атроф-муҳитнинг таназзулга (инкирозга, деградация) учраши, урбанизация, инсоннинг фаолияти ҳажми юқори сифатларда ортиши, табиатдан ҳўжасизларча фойдаланиш оқибатида юзага келади.

Екологик жихатга эга бўлган Фавқулодда ҳодисаларга тупроқ таркибининг ўзгариши ва кадмий, рух, симоб ва шунга ўхшаш оғир металллар билан заҳарланиш, атмосферанинг заҳарли кимёвий моддалар, шовқин, электромагнит майдонлари билан ифлосланиши, нурланишлар, кислота ёмғирлари, озонқатламнинг юпқалашиши, йирик саноат шаҳарлари оқида чанг тўзон ва тутунларнинг узок вақт ушланиб қолиши, сув ҳавзаларининг камбағаллашиб кетиши, ифлосланиш ва заҳарланиши, одамларнинг соғлигига таҳдид соладиган бошқа омиллар киради.

Ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, давлатлар орасидаги келишмовчиликларни замонавий қуроллар воситасида танглик келтириб чиқариш баробарида ҳалқилишга уриниш ўта фожеали йўлдир. Ф.Влардан ҳимояланишнинг асосий шарти, шароитни баҳолай олиш, келтириб чиқарган сабабини ва механизмини билишдир.

Фавқулодда Вазиятлар ҳавфининг тарқалиш тезлиги бўйича қуйидаги синфларга бўлиш мумкин:

Тасодифий - (ерқимирлаши, портлаш, транспорт авариялар ва ҳ.к);

Шиддатли-(ёнгинлар, гидрродинамик авариялар, ўткир заҳарли газлар, отилиб чиқувчи портлашлар ва ш.ў);

Мўтадил-сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар;

Равон-секин-аца тарқалувчи ҳавфлар (курғоқчилик, эпидемиялар, тупроқнинг ифлосланиши ва ҳ.к)

Фавқулодда Вазиятларнинг тарқалиш кўрсат кичи фақатгина у бевосита таъсир қилган ҳудуд майдони билан белгиланмайди, балки зарарли ҳодисанинг билвосита ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муҳим алоқаларга таъсири бўлган майдонларни ҳамқамраб олади. Бундан ташқари, унинг

доирасига оқибатнинг оғирлиги ҳам киради. Баъзи ҳолларда Фавқулодда Вазият майдони бўйича кичик бўлишига қарамай даражани жуда оғир ва катта талофати бўлиши мумкин. Шунинг учун Фавқулодда Вазиятларнинг категориясини аниқлаганда таъсир майдони билан бирга унинг оғирлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Булар Фавқулодда Вазиятлар туфайли юзага келган оқибатни йўқотиш учун муҳимдир. Ушбу мажмуавий белги бўйича Фавқулодда вазиятларни бешта турга бўлиш мумкин:

Чекланган объектга таалуқли (локал);

Маҳаллий;

Миллий;

Регионал;

Глобал;

Табиий ҳодисалар ичида энг даҳшатлиси, табиатга, жамиятга ва экологик ҳолатларга кўп зарар етказувчи, катта ҳудудларда юз бераётган зилзиладир. Ҳар йили ер юзида турли кучдаги юз мингдан ортиқ ер силкинишлари қайд этилади.

Марказий Осиё минтақасида сўнги юз йил ичида ўттизга яқин кучли зилзилалар бўлиб ўтган ва унда юз минглаб кишиларнинг қурбон бўлганлиги, катта-катта шаҳарларнинг вайронага айланганлиги бизга маълум. ЮНЕСКО маълумотига кўра зилзила юзага келадиган иқтисодий зарар ва инсонлар ҳалокати бўйича табиий офатларнинг ичида биринчи ўринни эгаллайди. Зилзилаларнинг даврийлигига эътибор берадиган бўлсак бир йилда 8 балли (Рихтер шкаласи бўйича) зилзила битта; 7дан 7,9 балли 18та; 6дан 6,9 балли 120 та бўлиши кузатилади. Нисбатан кучсиз бўлган зилзилалар кўпроқ учрайди, яъни 3-4балли зилзила бир йилда 49 мингтагача бўлиши аниқланган.

XX асрнинг охирига келиб йирик зилзилалардан Ироқдаги (1990й)-50минг киши; Туркиядаги (1999й) 45 мингдан ортиқ одам шикастланганлигининг ўзи табиий офатлар ичида энг кам тарқалган зилзила нечоғлик катта кучга эга эканлигидан далолат беради. Хусусан: 1948 йилда Туркманистоннинг

пойтахти Ашхобод шаҳрида рўй берган зилзила натижасида шаҳар буткул вайронага айланган, 110минг киши ҳаётдан кўз юмган.

Мамлакатимиз тарихида зилзилалар чуқур из қолдирган.⁶ Газли шаҳрида (1976-84й) бўлиб ўтган зилзилалар аянчли оқибатлари билан тарих солномаларига кирган. Мутахасисларнинг маълумотига кўра, биргина Тошкентнинг ўзида 4марта кучли зилзила (1868,1924,1966,1980й) ер кимирашлари қайд қилинган. Бу зилзила халқ хўжалигига жуда катта миқдорда моддий зарар етказиш билан бирга минглаб одамларнинг ўлимига, экологик вазиятнинг ўзгаришига, турли юкумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлган.

Муаммонинг муҳимлигига Президентимиз И.А.Каримов ҳам эътибор бериб шундай ёзадилар: «Ўзбекистон сейсмик жиҳатдан фаол зонада жойлашган бўлиб,табiiй фалокатларнинг аччиқ оқибатларини бир неча бор бошдан кечирган. Шу сабабдан олиб борилаётган тадқиқотларнинг етакчи йўналишларидан бири сейсмология ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги бўйича назарий ва амалий ишлар ҳисобланади».

Имий маълумотларга асосланадиган бўлсак, сейсмик фаоллик кузатиладиган жойларда зилзилалар маълум қонуният асосида, ўз даврийлигига эга эканлигига амин бўламиз.

Масалан, Ватанимиз ҳудудида Бурчмулла-1959, Тошкент-1966 26 апрел, Газли-1976, Назарбек-1986. Тошкент зилзиласининг даҳшати ҳали кўпчилик аҳолининг ёдидан кўтарилгани йўқ. Жаҳон миқёсида оладиган бўлсак, 1997 йилнинг 10 майида Шимолий Эронда 7,5 баллик зилзила оқибатида 1560 киши қурбон бўлди, 4460 киши жароҳатланди, 60000 киши бошпанасиз қолди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 455-сонли қарорига мувофиқ бизнинг республикамызда бўлиши мумкин бўлган қуйидаги еттита Фавқулодда Вазиятлар тасдиқланган:

⁶ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXIаср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». -Тошкент ,1997й.

- 1.Зилзилалар;
- 2.Сел,сув тошқинлари ва бошқа гидрометеорологик ҳодисалар;
- 3.Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар;
- 4.Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
- 5.ЎзМларни темир ёъл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
- 6.Хавфли эпидемиологик шароитларнинг вужудга келиши;
- 7.Радиоактив манбалардаги авариялар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 70%га яқини сел хавфи оқидаги ҳудудлардир. Буларга Сирдарё, Ангрен, Чирчиқ, Намангансой, Зарафшон ва Амударё ҳавзалари киради. Фарғона водийсининг сел хавфи ўчоғи асосан Наманган вилоятидаги Норин дарёси, Учқўрғон сув омборларидир. Бу хавф асосан баҳорнинг апрел ва май ойларида кучаяди. Шунинг учун асосий ва бирдан бир чора аҳолини эвакуатсия қилишдир.

1991 йил 6 май Ангрен шаҳрининг Жигарицон туманида катта ўпирилиш юз берган. Бир неча дақиқа ичида одамлар ишга, болалар мактабга отланаётган бир пайтда 200минг метр куб лой шахтёрларни кўчасини кўмиб қўйган. Лой оқида 54 нафар одам қолиб кетган. Бундай фалокат хавфи ҳақида олдиндан аҳоли огоҳлантирилган эди. Махсус турар жойлар ҳам ажратилган эди. Лекин аҳолининг бир қисми ўрганиб қолган жойларидан кўчишни хоҳлашмаган, оқибати эса бизга маълум.

6 май Ангрен шаҳрида мотам куни деб эълон қилинди. Энг қизиғи шундаки, фожеа содир бўлган жойни ўрганиш чоғида маълум бўладики, у ерда бирорта ҳам эркин юрган уй ҳайвонлари топилмаган.Улар бу жойни олдинроқ тарк этишга улгурган.⁷

Республиканинг энг ҳаракатчан ҳудудларидан бири Фарғона водийси ҳисобланади.Маълумки,Водий учта: Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан ташкил топиб, кўчки жараёнлари Наманган ва Фарғона

⁷ O.Qudratov, F.G'aniyev. Favqulodda Vaziyatlarda fuqaro Muhofazasi. –Toshkent , 2005

вилоятларида кўпроқ учрайди. Водийнинг шимолий қисмидаги Наманган вилоятида кейинги вақтларда олиб борилаётган ёл қурилиши натижасида нисбатан техноген сабабга кўра кўчкилар бироз кўпайиб бормоқда. Табиий ҳолатда учрайдиган кўчкилар вилоятдаги Сумсар, ғова, Подшо-Ота, Пишкаран сойларининг ўрта қисмида кўпроқ учрайди. Янгиқўрғон, Косонсой, Чортоқ туманлари Қурама тоғининг жанубий ён бағирларида бўлганлиги учун ҳам бу жойларда кўчки жараёни аҳоли яшайдиган ҳудудларга сезиларли хавф туғдирмоқда.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш инсонлар саломатлигини юксак даражага кўтариш масалалари бўйича ҳам бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан «аҳолини ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг асосий мақсади-аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талофатларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишдан иборат».

Бу қонунлар тор маънода ҳозирги замонда аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ягона ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси ФМнинг ҳуқуқий асосларини ФМ ҳақидаги Қонун асослаб беради. Бу қонун ФМнинг ташкилий тамойилларини, унинг вазифалари, давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият, вазирликлар, тармоқлар, корхона ва ташкилотларнинг ҳамда барча фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларни асослаб беради. Бу қонун 1998йилда қабул қилинган. Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилар:

Фавқулодда Вазиятларни огоҳлантириш;

Ф.В дан кўрилган талофат ва зарарларни камайтириш;

Ф.В лар оқибатларини тугатиш.

Масалан Конституциянинг 93-моддасига биноан Президент Фавқулудда Вазиятлар вужудга келганда Республика ҳудудида ёки айрим ҳудудларда ноҳарбий бўлмаган кучларни ёки бошқа ҳарбий қисмларни ишга солган тақдирда Фавқулудда ҳолат эълон қилиш ҳуқуқига эга.⁸

Фавқулудда Вазиятларга тааллуқли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида.1999 йил 20 август.

2.Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида.1999 йил 20 август.

3.Фуқаро Муҳофазаси тўғрисида. 2000 йил 26 май.

4.Радияциявий хавфсизлик тўғрисида.2000йил 31 август.⁹

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1.Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларни олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш тўғ рисида.1994 йил 12 апрел 201-сонли.

2.Ўзбекистон Республикаси одамлар ва ҳайвонларни қутириш касаллигига қарши тадбирлар тўғрисида.1996 йил 18 январь.

3.Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда Вазиятлар Вазирлиги ташкил этиш тўғрисида.1996 йил 11 апрел 43-сонли.

4.Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда Вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида.1997йил 23-декабр 558-сонли.

5.Ўзбекистон Республикаси аҳолисини Фавқулудда Вазиятларда муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида.1998 йил 7 октябр 427-сонли.

6.Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулудда вазиятларнинг таснифи тўғрисида 1996 йил 27 октябр 455-сонли.

7.Тошқин, сел оқимлари ҳамда кўчки ҳодисаларидан огоҳлантириш оқибатларини бартараф этиш тадбирлар тўғрисида 2001 йил 16 март 132-сонли.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро Муҳофазаси тўғрисидаги» Қонуни. –Тошкент, 2000, 26 май.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонунида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек ташкилот ва корхона раҳбарлари аҳолининг ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг хавфсизлиги таъминлаш юзасидан қўрилган чоралар ҳақида олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳақида Оммавий Ахборот Воситалари ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари шарт» деб баён қилинган.

Ҳозирги вақтда ривожланган ҳуқуқий тизимли барча давлат ва жамиятни турли Фавқулодда Вазиятлардан муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг яшашга бўлган конституциявий ҳуқуқи ва атроф-табиий муҳитининг соғломлиги масалалари бўйича мукаммал ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари мавжуд.¹⁰

ФВ ларда халқаро ҳамкорлик турли мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш йўли билан олиб борилади. Масалан, Германия билан Франция, Белгия, Нидерландия, Люксембург, Дания Австрия ва Швейтсария мамлакатлари ўртасида ўзаро ёрдам тўғрисида икки томонлама халқаро шартномалар тузилган. Худди шундай шартномалар қўшни мамлакатлар Франция, Белгия ва Люксембург ўртасида ҳам имзоланган.

1931 йили Франциялик хирург генерал Жорж Сант Пол Парижда «Женева зоналари» Ассоциациясига асос солди. У 1958 йили ФМ халқаро ташкилотига айлантирилди (ICDO) ва ФМ миллий ташкилотлари ўртасида алоқа ўрнатиш, аҳоли муҳофазаси соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кўмаклашиш, ФВ ларнинг олдини олиш, тайёр туриш ва ҳаракат қилишдаги уринишларни мувофиқлаштириш ва тажриба алмашишни ташкил этиш ҳуқуқини олди.

¹⁰ Илёсова З.Ф. Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни. – Тошкент, «Университет», 2000.

1972 йили радиологик муҳофаза бўйича иккинчи Халқаро конференция ўтказилгандан сўнг делегациялар Ассамблеяси ўтказилди. Унда ICDO га аъзо давлатлар вакиллари ташкилотнинг ҳозирги Низоми матнини тасдиқладилар. Низом 1972 йил 1 мартдан кучга кирди ва ICDO га халқаро ҳукуматлараро ташкилот мақоми берилди.

1973 йилдан бошлаб, Брюсселда аҳолини ФВ ларда шай туришга тайёрлаш бўйича Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг вазифаси «офатлар эпидемиологияси» ни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, «ҳалокатлар тиббиёти» эҳтиёжлари учун ахборотлар тизимини ишлаб чиқиш, Соғлиқни сақлаш ходимларининг катта ва ўрта бўғинларини тайёрлашдан иборат.

АҚШ да 80 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Атроф-муҳит агентлиги» кимёвий аварияларда тез ишга киришувчи тизимлар ташкил этиш устида ишламоқда. Европада эса 1987 йили БМТ нинг Атроф- муҳит муҳофазаси комиссияси (YUNEP) APELL (маҳаллий даражада ФВ лардан огоҳ бўлиш ва тайёр туриш) лойиҳасини амалга оширишни бошлади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ФВ оқибатларини тугатиш ишларини ташкил этишда давлат ва нодавлат тизимлари қатнашадилар. Уларнинг асосий вазифаси ФВ нинг олдини олиш бўйича турли тадбирларни ўтказиш ва ҳалокатларда аҳолига самарали ёрдам кўрсатишдан иборат. Буюк Британия, Франция, Германия, Дания каби мамлакатларда ҳалокатларда қутқарув тадбирлари мажмуи «Савезо Директиваси» томонидан тартибга солинади. Европадаги нодавлат ташкилот сифатида Франция, Белгия, Нидерландия, Швейцария, Испания ва Люксембургни бирлаштирувчи MSF (чегарасиз тиббиёт) ташкилотини келтириш мумкин. Бу нодавлат ташкилотига кирувчи тиббий ходимлар (кўнгиллилар) ягона талаблар асосида ишлайдилар ва дунёнинг исталган минтақасида нафақат табиий офатлар ва ҳалокатлар оқибатларини тугатишда, балки, одамларнинг оммавий шикастланиши билан боғлиқ вазиятларда, жумладан, миллатлараро, диний ва бошқа низоларда ҳам

ёрдам кўрсатадилар. Ҳозирги вақтда MSF мутахасислари дуёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида фаолият кўрсатмоқдалар.

1999 йил 29 апрелда Гретция, Россия ва Швейцария вакилларида иборат гуруҳ раҳбарлигида халқаро инсонпарвалик ташкилоти «Фокус» ташкил этилди. 5 июнда улар сафига Австрия мамлакати ҳам қўшилди. Бу ташаббус БМТ нинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури, шунингдек, БМТ бош котиби томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикасида ФВВ ташкил этилгандан сўнг аҳолини ва ҳудудларни ФВ муҳофаза қилиш соҳасида хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлик амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунга келиб АҚШ, Германия, Италия, Швейцария, Швеция, Белгия ва бошқа МДХ мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Хорижий мамлакатлар давлат ва сиёсий раҳбарларининг фаолиятида аҳоли ва ҳудудларни табиий, техноген ва ҳарбий ФВ лардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш асосий ўрин тутди. Қонуний ҳужжатларнинг катта қисми айнан шу муаммоларни ечишга қаратилган. Бу қонун ҳужжатлари тегишли ташкилот ташкил этилишни тартибга солади ва уларнинг юклатилган вазифаларни бажаришга юқори тайёрлиги, радиацион ва кимёвий резведка техник воситаларини риқожлантириш, авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ҳамда дозиметрик назоратни олиб бориш, давлат бошқарув органлари ва аҳолини хабар бериш тизимини шакллантириш, шунингдек, уларни ФВ шароитида ҳаракат қилишга қаратилган. Хорижий мамлакатларда ФВ да тез ишга киришиш тизими бир неча йирик кимёвий авариялардан (Бхопал ш.Ҳиндистон-1984 йил, Севезо, Италия 1975 й.Аббистед Буюк Британия 1984 й.ва бошқа) сўнг ташкил этила бошланди. ФВ дан аҳолини ва ҳудудни муҳофаза қилиш тизимининг тажрибаси хорижий мамлакатларда тегишли иқтисодий механизмни шакллантиришга имкон берган. Бу механизмнинг ҳаракатчан дастакларидан бири қатор

мамлакатлар қонун ҳужжатларида кўзда тутилган хавфсизлик меъёрларига амал қилмаганлик учун корхоналар ва мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жазолар белгиланиши ҳисобланади. Шу вақтгача Бхопалдаги «Юнион Карбайд»

Америка компанияси заводида содир бўлган аварияда жабрланганларга тўланган товон пули рекорд кўрсаткич бўлиб қолмоқда. Товон пули миқдори 470 млн.долларга яқинни ташкил этган. АҚШ да 1977 йилда қабул қилинган қонунга асосан, билиб туриб стандарт талабларини бузганлик учун 25000 доллар жарима солинади ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

Буюк Британия ишчиларининг ҳаёти ва соғлигига атайлаб хавф солганлиги учун моддий жарима ва 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланилади.

Иқтисодий механизмнинг яна бир дастаги суғурта ҳисобланади. Суғурта мажбуран ёки кўнгилли тарзда амалга оширилади.¹¹ Суғуртанинг фавқулодда вазиятларнинг нохуш оқибатларини енгиб ўтишдаги роли ҳақида Калифорния зилзиласидан (1984 й.) сўнг тўланган товон пулидан билиб олса ҳам бўлади. 10 миллиард долларни ташкил этувчи бу миқдор атиги 2 ой давомида тўлаб улгирилган.

Буюк Британиядаги аҳоли ва ҳудудларни табиий, техноген ва ҳарбий ФВ лардан муҳофаза қилиш тизими Германия ва Франция тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бу тизимга умумий раҳбарлик ИИВ га тегишли Бошқарма ҳамда вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Вазирликлараро режа қўмитаси орқали амалга оширади. Маҳаллий даражада асосий тадбирларнинг бажарилишини графликлар, маъмурий районлар, шаҳар

¹¹ Илёсова З.Ф. Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни. – Тошкент, «Университет», 2000.

муниципалитетлари кенгашлари махсус тузилган қўмиталар орқали ташкил этиладилар.

1989 йили ИИВ да авария-қутқарув хизматлари масалалари бўйича маслахатчи лавозими ва унинг ишчи органи сифатида котибият ташкил этилди. Маслахатчи тасарруфига табиий офатлардан шикастланганларни ҳисобга олиш, маъмурий-ахборот хизматини ташкил этиш, шикастланганларнинг, уларнинг қариндошлари ва умуман, аҳолининг руҳий ҳолатини ўрганиш, хорижий мамлакатлар қутқарув ишлари тажрибасидан фойдаланиш, йиғинлар, ҳукумат ва турли хизматларда тегишли мутахассисларнинг семинарларини ташкил этиш киради.

Ҳукумат таркибида, ИИВ дан ташқари авария-қутқарув ишларини тайёрлаш ва ўтказишни мувофиқлаштиришда тасарруфида ҳалокат жойида жойлашган район ёки объект бўлган етакчи вазирлик ҳам қатнашади. ИИВ билан бир қаторда бу вазирлик содир бўлган офат ва унинг оқибатларини тугатишнинг бориши тўғрисида ҳукуматни, парламентни ва аҳолини хабардор қилади.

1.2. Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистлар фаолиятига қуйилган ўзига хос талаблар ва ҳуқуқий кафолатлар

Янгилик эндиликда янгилик эмас, янгилик бўлиш учун сенсацияга эришиш керак. Қурбонлар ҳақида соат еттида эълон қилинса, тез ёрдам саккизга келса, уларнинг оиласи тўққизда хабардор қилинса, у аллақачон эскирган бўлиб, янгилигини йўқотади¹².

Оливер Стоне

Аввало фавқулодда вазиятлар тушунчаси нимани англатади ва у қандай содир бўлади, деган саволга жавоб излаймиз. Фавқулодда вазиятлар – бу машум нохуш ва қурбонларга бой воқеа ва ҳодиса бўлиб, улар табиий, техноген ёки экологик тусда бўлиши мумкинки, ундан азият чекувчиларнинг сон-саноғини ҳисоблаш қийин.

Бундай вазиятларда журналистдан махсус тайёргарлик, ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч талаб этилади. Англия тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, фавқулодда вазиятлар журналистикаси фан сифатида ўргатилмайди. Журналистлар уч ойлик курс давомида журналистик билимларга ва тушунчага эга бўлишади. Шу ўринда Россия ОАВ бундан фарқли ўлароқ фавқулодда вазитларда журналист учун махсус тайёргарлик курси бўлиб, журналист ҳам руҳан, ҳам жимоний билимларга эга бўлиш учун ўқитилади. Тиббий ва ҳарбий билимлар ҳам қўшимча тарзда ўргатилади.

Фавқулодда

вазият журналисти ҳарбий билимлар билан бир қаторда тиббий кўникмага эга бўлиши ва психологик жиҳатдан кучли бўлиши керак. У ҳар қандай ҳолатда ҳам ахборотни ошкор этмаслиги лозим.

Журналист фавқулодда вазиятларни ёритаётганда ўша ҳудуднинг тарихи, ўрни, маданий ҳаёти, иқтисодиёти ҳамда турмуш фаровонлигини ўрганиш

¹² The Missouri Group. News Reporting and Writing. Sixth Edition. –Boston, 1999. on p. 275.

талаб қилинади. Агар социал ёхуд ҳарбий низолар авж олган ҳудуд бўлса, журналист қарама- қарши томонларнинг конфликтга олиб борган жиҳатлари, томонлар лидерлари ҳамда уларнинг аҳолига нисбатан муносабатлари ҳақида пухта информацияга эга бўлмоғи лозим. Фавқулодда вазиятларда журналист биринчи навбатда фактлар йиғишга киришмоғи лозим. Фавқулодда ходисаларда ўзига катта ишонч, касбига муҳаббат талаб қилинади. Кўпчилик журналистлар эса бундай вазиятларда ишлашда фақатгина ишлашда таваккал қилиши керак, ҳар хил вазият бўлиши мумкин, дея изоҳлашади. Баъзилари эса фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш учун журналистдан катта ҳаётий тажриба ва жисмоний малака талаб қилинади. Фавқулодда машғулот ва ўқувлар бефойда дейишади.

Фавқулодда вазиятларда ҳавфсизлик билан бир қаторда қийинчиликлар ҳам бўлади. Бу ҳолатда журналистдан жисмоний малака ҳам талаб қилинади. Фавқулодда ҳолатларда яшаб қолиш ва журналистик фаолиятларни давом эттириш учун иккита факторга эътибор бериш керак.

Биринчиси, бундай вазиятда ўзини тута билиш ва ҳаракат механизмини ўзлаштириш.

Иккинчиси, биринчи тиббий ёрдамни амалга ошира олиш. Фавқулодда журналист фавқулодда вазиятларда биринчи навбатда тез фурсатда ахборот йиғишга киришмоғи лозим. Фавқулодда вазиятларда, яъни турли хил офатлар, зилзилалар ва ер кўчкилари содир бўлган вазиятларда журналист қуйидаги тартибда ахборот йиғиши талаб этилади:

- қурбонларнинг исми, ёши, манзили ва ҳолати;
- гувоҳларнинг ҳисоботи ва ички ишлар ходимларининг содир бўлган воқеа ҳақидаги маълумотлари орқали воқеани қайта жонлантирмоғи шарт;
- қачон содир бўлганлиги, қаерда содир бўлганлиги;
- нима учун ва қандай хатолик оқибатида содир бўлганлигини ҳар томонлама текширмоғи керак.

Шу ўринда савол туғилади. Фавқулодда вазият содир бўлганда журналист нима қилиши керак?

- жавобсиз саволларни ҳар томонлама ўрганиши ва жавоб излаши;
- суҳбати ёки интервьюси учун гувоҳ топишга уриниши;
- қурбонларнинг оиласи ва дўстларини топиб уларни фикрини билмоғи;
- эҳтимол жароҳатланган аммо омон қолган қурбонлар билан суҳбатлашиши;
- воқеа содир бўлган жойдаги бошқа гувоҳлар билан суҳбатлашмоғи;
- қурбонлар ва уларнинг оилаларига дардкаш ва жонкуяр бўлиши журналистнинг ахборотга бўлган талабини осон қондира олади.

Журналист оммавий ахборот воситалари орқали аудиторияга хабар бераётганда ўқувчининг оддий саволлари бўлган «ким, нима, қачон, қаерда ва нима учун,» саволларига жавоб бериши керак.

Журналистга қўйиладиган талаблар қуйдагилардан иборат:

- жавобсиз саволларни ҳар томонлама ўрганиши, якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишидан қатъий назар аудитория қизиққан ва хоҳлаган маълумотларни етказиши воқеа жойидаги милиционерни суҳбатга тортиш орқали содир бўлган воқеанинг икир - чикирларини ва қандай хатолик оқибатида рўй берганлигини билиб олиши мумкин. Агарда журналист яхши тадқиқотчи бўлса, ахборот манбасини ва керакли маълумотларни содир бўлган воқеанинг бориш жараёнини олдиндан тахмин қила олади.¹³

Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистдан талаб қилинадиган талаблардан яна бири фактлар билан ишлаганда маълумотларни оммавий ахборот воситаларига бераётганда ғоятда эҳтиёткор бўлиши, фактларни текшириб, кейин аудиторияга эълон қилиши керак. Журналист ёки мухбир фактларнинг тўғрилигига жавобгар шахс ҳисобланади. Журналист фавқулодда вазиятда тўплаган маълумотлари соҳта ёки ахборот берувчи ёлғон

¹³ News Reporting and Writing. – by St. Martin's Press, Ins. P.215.

информация бериши мумкин. Ана шундай вазиятда журналист ахборот манбасини ўрганиши ва текшириши фактлар билан ишлаганда ғоятда эҳтиёткор бўлиши шарт. Масалан, гувоҳларнинг маълумотлари ва гапларини келтириш содир бўлган воқеанинг аҳамиятини оширади.

«Ёнғин» сарлавҳаси остидаги мақола.

«BBS» news нинг хабар беришича фуқаролардан бири Дон Морганнинг гувоҳлик беришича, баҳорнинг биринчи душанбасида қўшниси Бог Мейернинг юз акрлик майдонида электр симининг узилиши оқибатида ёнғин чиққан. Ёнғин тез фурсатда аланга олиб, бутун бир ҳосил майдонини ёниб кетишига сабаб бўлган. Журналистга қўйиладиган талаблардан бири фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудда гувоҳларни топишга ва уларни суҳбатлашишга кўндиришдан иборат. Бундай вазиятда гувоҳларни топиш осон бўлмайди. Бундай вақтларда биринчи гувоҳ полиция ходимларининг ўзлари бўлади, аммо улар ҳар доим ҳам ахборот беравермайдилар. Энг яхши йўли, кутқарувчилар фаолиятини кузатишдир. Сабаби, ҳар қандай табиий офатларда кутқарувчилар жонбозлик кўрсатишади. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли журналист жабирдийдалар ва гувоҳларни топиши, улардан муҳим маълумот олиши мумкин. Бу ҳар дои ҳам яхши натижа беравермайди, кутқарувчиларнинг ҳаёти ва фаолияти кафолатланмаган. Бундай вазифаларда журналист фаолияти ва ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Қурбонларнинг дўстлари ва қариндошлари билан суҳбатлашиш орқали журналист муҳим ахборот манбасига эга бўлади. Бу қурбонлар сони ҳақида муҳим ва ишончли маълумот бўлиши билан бирга, берилаётган мақоланинг таъсир кучини ва эффектини оширади. Яна бир ишончли ахборот манбаси қурбонларнинг ўзидир. Ушбу фалокат натижасида қаттиқ шикастланган, аммо гапира оладиган инсонлардан маълумот олинса, бу ахборот биринчив ва ҳеч ким рад этиб бўлмайдиган фактга айланади.

Содир бўлган фалокатни ёритишда журналист бошқалар билан ҳам суҳбатлашиши лозим. Масалан, тез ёрдамдагилар ва экспертлар билан. Аммо

ушбу вазиятларда журналистларга чекловлар ҳам мавжуд. Масалан, яраланганларни, ўлганларнинг таналарини эфирга бермаслик, суратга олмаслик керак. Бундай вазиятда журналистлар нафақат журналист бўлиши билан бирга, балки биринчи ёрдам берувчи қўлга айланади. Ахборот олаётганда фақат керакли ахборотни олишни ундан ортғига кўз тикмаслиги керак.

Фавқулодда вазият содир бўлганда қурбонлар ва жабрланишлар ҳар доим бўлади. Бундай вазиятда журналист фақат ўз ишини қилмасдан қурбонларнинг оилаларига дардкаш бўлиши лозим. Бундай вазиятда улар атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлашларига муҳтож бўладилар.

Фавқулодда вазият содир бўлганда қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳар доим бўлади. Албатта бундай вазиятларда журналистнинг масъулияти ортади. У ахборот олиш билан биргаликда уни етказишда ҳам жонбозлик кўрсатиши лозим. Ҳозирги ахборот замонида ахборотни тез етказиш муҳим саналади. Ахборотни тез ва холис етказиш билан бирга уни асосий саволлар ким, нима, қачон, қаерда, нима учун ва қандай каби саволларга жавоб берадиган тартибда бўлишини назорат қилиши лозим. Ахборотни биринчи набатда муҳимлиги ва аудиторияни ўзига тортадиган, қизиқтирадиган жиҳатларини топа олиши лозим.

Фавқулодда вазиятлардан бири бўлган ёнғин хавфи вақтида журналист фаолиятига қўйиладиган талабларни келтириб ўтсак. Журналистлар ёнғинни ҳам бошқа вазиятлар сингари оддий ва шунга ўхшаш муаммолардан бири деб қарашади. Аммо унинг хавфлилик даражаси биз кутгандан ҳам юқорироқ эканини воқеани таҳлил қилиш жараёнида пайқашади. Ёнғин хавфли. Унинг зарарини қачон ва нима сабабдан келиб чиққанлигини билиш учун кунлар, ҳафталар керак бўлади. Уни ҳеч қачон билмаслик ҳам мумкин. Қамраб олиш жараёнига кўра ёнғин бошқа ҳодисаларга нисбатан қийин. Бу қийинчиликларга қарамасдан журналист ўт ўчирувчилардан, ҳукумат раҳбарларидан ва гувоҳлардан интервью олишга эришиши мумкин. Қачонки ёнғин бўлганда

журналист ўрганадиган фактлар қуйидагилар: Ёнғин жойини, қурбонлар, яраланганлар ва йўқолганларнинг исми, ёши, манзилени.

Ёнғин бинодами, ўрмондами ёки экин майдонларида эканлигини аниқлаш, ёнғин зарарининг қийматини, ёнғин сабабини, ёнғин бошланган вақтда қанча ўт ўчирувчилар ва машиналар жалб қилинганлигини аниқлаш журналист ишини осонлаштиради.¹⁴

Табиий офатлар журналистлар учун муҳим янгилик ҳисобланади. Табиий офатлар кутилмаганда содир бўлади. Тадқиқотчилар уларни қаерда, қачон бошланишини аниқлашиши қийин. Масалан, торнадлар бутун бир шаҳарларни вайронага айлантириши ва уй-жойсиз қолдириши мумкин. Табиий офатлар шундайки, улар одамларни қопқонга туширгандек ҳеч қандай ҳаракатсиз иложсиз қолдиради. Табиий офатларни ёритиш ва аудиторияга етказиш жуда қийин. Айни дақиқаларда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қурбонлар сонини тахмин қилиш мумкин. Аммо аниқ айтиб бўлмайди. Фавқулодда вазиятларда журналист хулоса чиқарувчи судя бўлиши, фалокатнинг даражаси, қурбонлар сони ва хавфни баҳолай олмоғи даркор. Яна қўшимча қиладиган бўлсак, журналист фавқулодда қутқарувчи шахс бўлиб, одамларнинг хавфсизлигини таъминлашда ёрдамчи кучдир. Масалан, бўрон бўлгандан сўнг электр симларининг узилганлигини, газ қувурларининг тешилганлигини кўришимиз мумкин. Токи улар таъмирлангунга қадар яна ёнғин хавфи келиб чиқмаслиги учун одамларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш лозим. Бунга мисол қилиб, Сан Франсискодаги ер қимирлаши ва кўчки, Майями Хералддаги тўфонни, Лос Анжелосдаги зилзилалар ва уларнинг аянчли оқибатларини келтириш мумкин. Журналистларнинг иши бу пайтда нақадар қийин ва хавфли эканлигини, ўзлари бу хавфни пайқаган ҳолда одамлар таҳликадан қутқаришга уринаётган бир пайтда журналистлар ҳаёти учун ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган ахборот учун таҳлика ўчоғига кириш тайёр турадилар. Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистлардан фавқулодда жасорат, мустаҳкам ирода,

¹⁴ News Reporting and Writing. – by St. Martin's Press, Ins. P.224.

таваккалчилик ва ҳар қандай вазиятга тайёр туриш учун ўзида куч топа олиши муҳимдир. Фавқулодда вазиятларда журналист ҳам мухбир, ҳам репортёр, ҳам оператор бўлишига тўғри келади. У ахборотни жуда тезликда саралаб, гувоҳлардан интервью олишга ҳам улгуриши фактлар билан ўта эҳтиёткор бўлиши лозим.

Бугунги кунда дунё миқёсида оладиган бўлсак, фавқулодда вазиятларни ёритувчи яхши журналистлар жамоаси шаклланиб улгурган. Масалан, Лонг Исланддаги “Newsday” газетасида 23 та мухбир ва 1 та ёзувчи журналист фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашаган.

Фавқулодда вазиятларнинг ҳам ўз аудиторияси бор. ОАВнинг баъзи аудиторияси нохуш хабарларни қизиқиш билан кузатишади. Дунё миқёсида содир бўлаётган фавқулодда вазиятларни эътиборидан қолдиришмайди. Ва янгидан янги тафсилотларни кутишади. Шундай қилиб, улар хавфли вазиятларни жамлаб боришади. Масалан, “Рихтер шкласи бўйича 6,5 балда ер қимирлаши юз берди. Бунинг оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди. 4000 киши яраланди, миллионлаб одамлар бошпанасиз қолди. Бу зилзила 5 биллион доллар ҳажмида зарар келтирди. Ушбу силкиниш олдингиларидан кўра икки баробар кучлироқ бўлди.” Бундай маълумотлар ҳеч бир кишини безътибор қолдирмайди.

Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистларнинг аксарияти бу соҳага қизиқиши ва саргузашт ишқибозлилигидан кириб келишади.

Журналистнинг ҳар қандай фаолияти қонунга мувофиқ ҳимоя этилади. Фавқулодда ҳолатларни ёритишга отланган журналист шу ҳолат ва минтақа билан боғлиқ қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқиши керак. Бундай ҳолатда уша қонунларни қоғозга чиқариб олиш қўл келади. Чунки айтилган сўздан кўра, ёзилган қоидалар кўпроқ таъсир қилади, кўпинча бу ҳолат маҳаллий раҳбарлар ва ҳарбийлар билан муносабатда қўл келади.

Фавқулодда ҳолатларни ёритиб боришнинг бир қанча вариатлари бор:

1. Фақатгина журналистнинг ўзи.

2. Гуруҳ таркибида.

3. Ҳукумат вакиллари таркибида.

Фавқулодда вазиятларда ҳар доим журналист ёнида паспорти бўлиши талаб қилинади. Баъзида хизмат гувоҳномаси ёкм аккредитация қоғози билан битириб бўлмайдиган ишлар, шахсни тасдиқловчи паспорт орқали битади.

ҳарбий ҳолатларда журналистлар ҳеч қачон ҳарбий кийим киймасликлари керак. Агар журналистни ҳарбий кийимда кўриб қолишса, у ҳеч қачон ўзининг ҳарбий эмаслигини исботлай олмайди. Маҳаллий халқ билан мулоқотда журналистнинг ҳарбий кийимда бўлиши, унинг ҳарбийларга алоқадорлигини билдиради ва ҳаққоний ахборот олишда муаммолар келтириб чиқаради. Комуфляж қарама-қарши томон снайпери учун яхши нишон бўла олади. Масалан, Афғонистон урушида командирларгина махсус комуфляж кийишган. Агар журналист ҳам шу коммуфляждан кийиб олса, у осонгина снайперга ўлжа бўлади. Тожикистонда эса ҳарбий бўлмаган кишиларга комуфляж кийиш ман этилган. Агар журналист ҳарбий кийимда юрганда ҳуқиқини муҳофаза қилиш ходимлари сезиб қолишса, журналист кўп нарсасини йўқотиши мумкин.

Журналист фавқулодда ҳолатларда вазиятга мувофиқ тарзда кийниши керак. Баъзида оммадан ажралиб туриш фойдали бўлса, баъзи пайтда оммага мос кийим танлаш аълороқ бўлади.

Баъзида қайноқ нуқталарга юборилувчи журналистларга ўзлари билан айғоқчилик ҳунарини эслатадиган буюмларни, масалан, бинокль ёки турли антеннали ускуналарни олмаслик тавсия этилади. Бу нарсa журналистга нисбатан шубҳа уйғонишига сабаб бўлади. Бутун жаҳон журналистик амалиётида спутник телефонлардан фойдаланиш мумкин дейилади. Агар журналист Бирон бир ахборот агентлигининг махсус мухбири бўлса, бу ҳолда ундан маълумотларни тезликда ўз ташкилотига етказиш талаб қилинади. Бундай аппаратларсиз эса бу мақсадни амалга ошириб бўлмайди.

Кўп кунлик фаолиятга отланган журналистдан ҳаёт учун энг керакли ашёларни олиш тавсия қилинади. Булар электрон ёритгич, термос, сув учун

идиш, ётоқ палаткаси, электрқайнатгич, керакли кийимлар бўлиши мумкин. Нима олиш кераг-у, нимани олмаслик кераклигини журналист мустақил тарзда ҳал қилиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам учун керакли аптечкани олишни ҳам унутмаслик керак. Шунингдек, баъзи дорилар ва тинчлантирувчи воситаларни заҳирасини олиш керак. Бу эса ғавқулодда вазиятларда озор чекканлар учун ёрдамда қўл келади.

Шунингдек ғавқулодда вазият юз берган минтақанинг топографик харитасини ҳам олиш ва унинг қанчалик тўғрилигини солиштириш мақсадга мувофиқдир.

Ғавқулодда вазиятлар ва уруш ҳолатларида ҳарбийлар ва журналистлар ўзаро бир-бири тушунган ҳолда ҳаракат қилишлари энг тўғри усулдир. ҳарбийлар журналистларга ҳар қандай маълумотни ҳам ошкор этаверишмайди. Баъзи ҳарбий ахборотлар давлат аҳамиятига эга бўлади. Бундай ахборотларни тинч вазиятда ҳам ошкор этиш катта жиноят ҳисобланади. Журналистлар ўз давлатлари манфаатини ҳимоя қилган ҳолда ҳарбий сирлар, ҳолатлар, умумий тайёргарлик, ҳарбий ҳаракатлар ҳақидаги информацияларни ошкор этмасликлари талаб қилинади.

1999 йил, августда Ўзбекистондаги антитеррористик операция пайтида журналистлар ҳарбийлар билан елкама-елка туриб, фаолият олиб бордилар. Таҳририят гувоҳномаси минтақада фаолият олиб бориш учун етарли бўлиб, Маҳачқалъадан муаммосиз аккредитацияни муаммосиз олса бўларди ва Ички ишлар вазирдиги ходимлари журналистларга барча ёрдамни аяшмаганди. Ҳарбий структура вакиллари ва журналистлар сўнгги йилларда биринча марта ўзларини битта баррикада томонда ҳис қилишган эди. Армия журналистларни ҳамфиқр, ҳамкор ўлароқ қабул қилганди. Лекин бу кўпга чўзилмади. Телевидение экранларида ва газета саҳифаларида ҳарбий бошқарувнинг ҳатоликлари, баъзи ҳарбий амалиётлар ҳақида генералитетни ноқулай аҳволга соладиган ҳолатлар ёритилганидан сўнг илиқ муносабат бузила бошлади.

Чеченистондаги урушда эса ҳарбийлар билан яхши муносабат ўрната олган журналистларгина қолишди. Бошқалари эса ахборотни Росинформцентр ва Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати ҳамда Моздокдаги Бирлашган кучлар гуруҳидан олишга мажбур бўлдилар.

Журналистларнинг ҳарбий минтакаларда фаолият юритишини тартибга соладиган универсал қоидалар мавжудми? “Саҳродаги бўрон” амалиётини репортер сифатида ёритган, "US News and World Report" журнали муҳаррири ўринбосари Питер Керрининг таъкидлашича, бундай вазиятларда умумий қоидалар мавжуд эмас. Бунинг учун сўнгги ўн йилликдаги низоли воқеа-ҳодисаларни таққослаш зарур. Журналистлар учун бундай вазиятларда ҳар доим ҳам бир хил шароитлар бўлавермайди. “Саҳродаги бўрон” операцияни олиб қарайдиган бўлсак, ўшанда ахборотларни бошқариш ҳуқиқи Саудия Арабистони ҳукуматиға топширилган эди. Форс кўрфазидаги уруш журналистлар учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқарган эди. Авторитар режимдаги мамлакат ҳудудида уруш ҳақида ҳаққоний информацияни қўлга киритишнинг ўзи мушкул эди. Кўп журналистларға аккредетация берилмаган эди. Мамлакатға келган бошқа журналистларға эса қаттиқ тизимли ҳарбий қоидаларға амал қилишға тўғри келганди. Уруш ҳақидаги барча информациялар брифинглар орқали маълум қилинар эди, журналистлар эса у ерға махсус кузатувчилар билан бирға киритиларди. Қарама-қарши томон манфаатларига хизмат қилмаслиги учун бу урушда шундай усул қўлланганлиги балки, тўғри бўлгандир. Питер Керрининг фикрича, бу генералларнинг жиддий хатоларидан бири эди. У ерда журналистлар эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эдилар.

Қоидаға кўра ҳарбийлар журналистлар учун фавқулодда вазиятлар чоғида махсус нормаларни жорий қилишлари мумкин. Улар журналистдан рухсатнома, аккредетация талаб қилишлари, шунингдек белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқишға рухсат бермасликлари мумкин. Бу ҳаракатлар ҳарбий сирни ошкор этилмаслиги учун деган баҳона билан оқланиши мумкин. Бундай вазиятларда

кандай йўл тутиш журналистнинг ўзида қолади. У ҳарбийлар талабини кондириб, минтақани тарк этиши ёхуд барча чекловларга қарамасдан ҳақиқатни қарор топтиришга интилиши мумкин. Кўпинча ғавқулодда вазиятларни ёритишда журналистнинг ҳолати ўша давлатнинг демократик маҳкамасига ҳам боғлиқ бўлади.

Журналистлар ўз хизмат вазифаларини ўташ чоғида ҳар хил ғавқулодда вазиятларга тушишади. Бундай вазиятлардан чиқиб кетиш учун эса журналистдан ҳар томонлама билим, салоҳият талаб қилинади. Айниқса, халқаро доирага чиққан журналистда ўз ҳуқуқини пухта билиш ва талаб қила олиш жуда муҳимдир. Акс ҳолда журналист бошқа бир тоифанинг нишонига айланиб қолиши мумкин.

Журналистлар учун ғавқулодда вазиятларда халқаро ижтимоий ҳуқуқини тартибга соладиган энг катта ташкилотлардан бири Халқаро Қизил хоч (Яримой) қўмитасидир. Ғавқулодда вазиятларда Халқаро Қизил хоч (Яримой) қўмитаси билан бир қаторда журналистларни ҳимоя қилиш учун бир қанча бошқа ташкилотлар ҳам фаолият юритади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(БМТ)нинг тинчликпарвар қўшинлари, Европада ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), “Чегара билмас врачлар”, “Халқаро амнистия”, “Чегара билмас мухбирлар”, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар қўмитаси каби халқаро ва ижтимоий ташкилотларнинг вазифаси ғавқулодда ҳолатларда аҳоли ва журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Халқаро ижтимоий ҳуқуқида журналистларни ҳимоя қиладиган бир қанча бандлар мавжуд. Бу ҳужжатнинг 79-моддасида журналистларни оддий фуқаролар сифатида ҳимоя қилиш ҳақида гап боради. Иккинчи жаҳон уришидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти журналистларни ҳимоя қилиш учун алоҳида ҳолатлар ишлаб чиқди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти журналистлар учун алоҳида белгилар ташкил этиш, журналистларни рўйхатга олиш ва маълумотлар базасини тайёрлаш, қайноқ

нуқталарни журналистларни ҳимоя қила оладиган халқаро журналистлар уюшмаси тузишни таклиф қилди.

Лекин журналистларнинг ўзлари, кўпгина бошқа журналистик ташкилотлар БМТнинг бу таклифига қарши чиқдилар. Журналистларнинг бундай ҳимояга қаршиликларининг биринчи сабаби алоҳида ҳимояланган гуруҳнинг хавфсизлиги бошқаларникидан кўра, кўзга яққол ташланиши эди. Бу эса, журналистларнинг эркин ишлай олишини таъминламас эди. Яна бир муаммо шунда едики, журналистларни кўпинча катта конфликтли зоналарга киритишга рухсат беришмас эди.

Айтишимиз мумкин, фавқулодда ҳолатларда исталган ҳарбий бошлиқ ёки ҳарбий қўмондон учун асосий мақсад журналистларни ҳарбий амалиётлар ўтказиладиган зоналарга киритмасликдир. Нима учун? Чунки журналистлар айнан ҳарбийлар халқаро оммага кўрсатишни хоҳламайдиган ҳолатларни кўриб қолишлари мумкин эди. Бундай ҳолатларда эса халқаро ижтимоий ҳуқуқи қоидалари кўпинча бузиларди. Шунинг учун ҳам фавқулодда вазиятларда ишлаётган ҳар қандай сиёсатчи, қўмондон журналистларни у ерга киритмасликка ҳаракат қиларди. Шу сабабларга кўра, журналистлар бошқалардан ажраб туришга рози бўлмадилар. Журналистларнинг фикрича, БМТ таклиф қилган махсус белгилар уларни ҳимоя қилиш учун эмас, балки снайпер ёхуд бошқа қуролли гуруҳларни нишонига айлантирарди. Қарама-қарши томон эса биринчи бўлиб журналистларни йўқ қилишга ҳаракат қиларди.

Юқоридаги сабабларга кўра, журналистлар учун фавқулодда вазиятларда алоҳида ҳимоя тизими қабул қилинмади. Ҳозирги кунда журналистларни низоли ва фавқулодда вазиятлар ҳудудида ҳимоя қилиш халқаро ижтимоий ҳуқуқи нормаларида белгиланган, яъни журналистлар ҳам оддий фуқаролар сифатида ҳимоя қилинади. Ҳар бир оддий фуқаро учун белгиланган ҳамма нормалар журналист учун ҳам амал қилинади. Масалан, агар журналист гаровга тушса у ҳам оддий фуқаролар сингари ҳимоя қилинади ва ўзи тегишли бўлган мамлакат ихтиёрига топширилади.

Кўпгина журналистлар халқаро ижтимоий ҳуқуқи нормаларининг бир бандини унутиб қўядилар. Журналист оддий фуқаро сифатида ҳимояланади, лекин агар у ҳарбийлар томонга ўтиб кетса ва ҳарбий амалиётларда иштирок этишни бошласа у ўз ҳимоясини йўқотади. Масалан, ҳарбий журналистга уларнинг бронетранспортерларга ўтиришини ва манзилига етказиб қўйишларини айтдилар. Лекин кейин шу бронетранспортер ҳалокатга учраса, ҳеч ким бронетранспортерда журналист борми, ҳарбий борми қизиқиб ўтирмайди. Журналист ўша ҳарбийлар каби қарама-қарши томондан йўқ қилиниши мумкин. Агар журналист комүфляж кийиб олса ва бу билан фавқулодда ҳодиса юз берса, уни ҳарбийлардек қабул қиладилар.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам журналистга у ёки бу томон ҳимояси учун қурол олишга йўл қўймаслик керак. Халқаро ижтимоий ҳуқуқи нормаларига кўра, бундай ҳолатда журналист ҳарбий амалиётларда иштирок этаётган ҳарбийлар каби қабул қилинади.

Бугунги кунда жудаям актуал бўлган масалалардан бири журналистнинг фавқулодда вазиятлар ва ҳарбий амалиётлар зоналарига эркин кириш ва жойлашишидир. Масалан. Журналистга фавқулодда ҳодисалар юз берган ҳудудда эркин ахборот тўплашга имконият бериладими? ҳар бир ҳарбий мутасаддилар бу борада турли чекловларни амалга оширадилар: журналистлар учун ҳарбийлар хоҳламайдиган ҳолатларни кўрсатмаслик учун комендант соати жорий қиладилар ёки махсус рухсатнома талаб қиладилар. Бу ҳолат ҳам журналистларнинг фавқулодда ҳодисалар зоналарида ахборот йиғишларида қийинчилик уйғотади. Масалан, кўпгина ҳарбий мутасаддилар журналистдан аккредитациядан ўтишини талаб қиладилар ва у ёки бу штаб, сиёсий гуруҳларга юбориб, сарсон қиладилар. Нима учун? Яна ўша ҳолат, яъни журналистни назорат қилиш учун.

Бугунги куннинг жуда актуал масалаларидан бири ҳарбий низолар пайтида журналистларни айғоқчиликда айблашдир. Масалан, Чеченистон урушида кўплаб журналистларга айғоқчи, разведкачи тамғаси босилган эди.

Чеченистондаги уруш вақтида 1994-1996 й й., уруш тафсилотлари фақатгина Россия давлат ОАВ томонидан ёритилаётганда НТВ канали тахририяти журналист Елена Масюкка Шамиль Басаевдан интервью олиш вазифаси юклатилади. Ҳукумат уни Будденовск касалхонасидаги беморларни гаровда ушлаб турганлиги сабаб террорист деб эълон қилади. Елена Масюк эса Басаев билан келишилган махсус яширин жойда учрашиб интервью олишга муваффақ бўлади. Ушбу интервью эса Будденовск воқеасидан сўнг олинган бўлиб, у эфир орқали узатилади. Бу интервьюдан сўнг журналист Масюк билан ҳукумат хавфсизлиги хизмати ходимлари қизиқиб қоладилар.

Шундан сўнг Россия прокуратураси журналистни террористнинг жойлашган манзилини яширганликда айблайди. Ушбу интервьюни тасвирга туширган телеоператорга ҳам босим ўтказилганда у ҳам Басаевнинг манзилини айтишдан бош тортади ва улар ўзларининг бу позициялари ОАВ ҳақидаги қонуннинг Профессинал Кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда оқлаганлар. Лекин улар қонундаги «Фуқароларнинг жинойтчиларни қидиришдаги кўмаклари»га қарши бўлганликлари сабаб бу иш НТВ канали позицияси билан коллегияль тарзда ҳал этилади. Лекин ушбу воқеа-ҳодисада журналист ва телеоператор на Журналистлар жамияти томонидан на «Фонд защиты гласности» томонидан муҳокама этилади.

Фақатгина журналистларнинг ижодий уюшмаси йиғилиш кечаларидагина ачиниш ҳисси билан эслаб ўтилади. Ушбу ҳолатда аниқ бир томоннинг қарорига кўшилиш қийин. Чунки журналистик қонуний бўлмасада бир ҳокимиятдир, яъни ўзининг махсус кодексларини қабул қилишга ҳақли.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг террористларнинг телевидение орқали чиқиш ва мурожаатларини кўрсатиш таъқиқланади. Назаримизда ушбу таъқиқ авволроқ кўйилиши керак эди. Чунки бундай TV орқали ўзининг мурожаати ва келгуси қўпоровчилик ҳаракатларини намоиш этган террорист Усома Бин Ладен дунёнинг энг машҳур кишиларидан бирига айланди. Бу нарсани қайсидир маънода парадокс сифатида қабул қилишимиз мумкин, чунки

одатда энг машхур кишилар қаторига кўпроқ ўзининг яхшиликлари ёки билмай қилган хатоликлари туфайлигина киришар эди.

Террористларнинг TV орқали кўрсатилишининг яна бир ёмон томони эса кўп маротабалар кўраверганларидан сўнг ёмон нарсага ҳам кўника борадилар, шунингдек бу мисол исботланмаган бўлсада айнан террористларнинг чиқишлари психологик таъсир ўтказувчан қилиб программалаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Энди бу фикрларимиз юқоридаги Масюк ишига билдирган хулосамиз билан қарама-қарши бўлиб қолмоқда, лекин Масюкнинг интервьюси узатилган вақтда ушбу қонун йўқ эди ва вазият ҳам бир мунча бошқачароқ яъни журналист ўзи ўз жонини хатарга қўйган ҳолда интервью олган.

Экстремал ҳолатлардаги журналистларнинг вазифасини қонун билан белгилаб, ҳимоя қилиниши зарур. Чунки журналист юқори ташкилот, идораларнинг рухсати ёки ФВВ матбуот маркази, ИИБ матбуот марказларининг хабарларини кутиб ўтиришлари бу журналистиканинг тезкорлигини чегаралайди. Журналистикага 4 ҳокимият деб мақом берилган экан, демак журналистикада мустақил қарор қабул қилиниши ва ўзларининг фаолиятларини ҳимояловчи махсус Хартияларни қабул қилиш мумкин.

Қабул қилинадиган қонунларнинг самарали натижа бериши эса албатта давлат томонидан юритиладиган сиёсатга ҳам боғлиқ. Мисол билан изоҳлайдиган бўлсак, Россия «ОАВ тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддасида журналистларнинг махсус кўриқланувчи жойларда ҳамда омманинг йиғилишларида, шунингдек фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда журналистлар келиши ёки қатнашишлари мумкин дейилади. Лекин 1991 йил 17 майдаги «Фавқулодда ҳолатлар тўғрисида»ги қонун ўз ичига бир мунча чеклашларни қамраб олган бўлса-да журналистлар учун чегара қўйилмаган эди. Бунинг оқибатида эса Чеченистон ҳудудидаги журналистларнинг фаолияти аксарият салбий оқибатларга олиб келди. Чунки ўша йиллари(1994-1996 йй.) Чеченистон ҳудуди на фавқулодда ҳолатлар на ҳарбий ҳолатдаги зона

сифатида эълон қилинади. Лекин 1994 йил 9 декабрдаги ҳукуматнинг 1360-сонли қарорига биноан Чеченистон Республикаси ҳамда Шимолий Кавказ районлари «Фавқулодда ҳолатлар ҳақида» ги қонундаги бўйича у ерда ҳукукий режим ўрнатилади. Бу эса инсон ҳуқуқлари ва айниқса бу регионларда журналистларнинг фаолият олиб боришини чеклар эди. Ва шу ҳолатда Россия Конституциясининг 55-моддаси бузилган.

“Журналистни ҳимоя қилишнинг усуллари” деб номланувчи 79- моддада шундай дейилади: “Фавқулодда ҳолатлар ва ҳарбий амалиётлар ҳудудига юборилган журналистлар оддий фуқаролар каби халқаро ижтимоий ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ ҳимоя остига олинадилар”. Юқоридагидек номланадиган ва ушбу мода акс этган махсус гувоҳнома мавжуд. Бундай гувоҳнома ҳарбий ҳаракатларни ёритиш учун юбориладиган журналистларга берилади. Халқаро ижтимоий ташкилотлар фавқулодда вазиятлар ва ҳарбий низолар юз берган ҳудудга отланаётган журналистга ушбу гувоҳномани олишни тавсия этадилар. Бундай гувоҳномани халқаро журналистика ва гуманитар ташкилотлардан олиш мумкин. Бу ҳужжат журналистнинг ҳақиқий репортер эканлигини, шпионаж ёки разведка билан шуғулланмаслигини тасдиқлайди.

Журналистларга нисбатан тажовузлар йил сайин ортиб бормоқда. 1982 йили 9 нафар журналист ўлдирилган бўлса, 1984 йилда 14 нафар, 1990 йилда 32 нафар журналистнинг ҳаётига тажовуз қилинган. 1992 йили 65 нафар журналист қурбон бўлди, 1993 йили 74 журналист ўлдирилди ва 47 нафари ўғирланди, яна 265 нафар матбуот ходими калтакланди ва 311 нафари қамоққа олинди. «Reporters sans frontiers» (RSF) маълумотларига кўра, 1998 йили дунёда 19 нафар журналист ўлдирилди.

1999 йил 28 декабрь ҳолатига кўра, турли давлатлар қамоқхоналарида ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳибсга олинган 85 нафар журналист қайд этилган. 70 яқин давлатда сўз эркинлиги ҳали ҳам ҳаёллигича қолмоқда. 1999 йилда ўлдирилган журналистлар сони 1998 йилга нисбатан икки мартага ошган.

Бунга асосий сабаб қуролли конфликтлардир. 28 нафар журналист қуйидаги конфликтли зоналарда қурбон бўлдилар: Сьерра-Леонеда - 10, Югославияда – 6, Колумбияда – 6, Чеченистонда – 3, Шарқий Тиморда – 2, Ливанда – 1 нафар. 1999 йил 6 январдан 12 январгача Сьерра-Леонеда бирданига 9 нафар журналист ўлдирилди. Колумбияда олти нафар журналист қуролли гуруҳларнинг қурбонига айланди. Германиянинг «Stern» журнали махсус мухбирлари Габриэль Грюнер ва Волкер Кремер Косоводаги жанжаллар пайтида ўлдирилди. қуролланган экстремистларнинг қилмиши туфайли Шри-Ланкада уч нафар, ҳиндистонда бир нафар ва Туркияда бир нафар журналист қурбон бўлди. Нигерияда маҳаллий можароларнинг авж олиши туфайли уч нафар журналист ўлдирилди. Конгода 40 нафар журналист махсус хизмат томонидан ушланди. 1997 йили ҳокимият тепасига Лоран Дезире Кабул келиши билан 100 га яқин журналистлар қамоққа олинди ва озодликдан маҳрум қилинди. Кубада бир йил мобайнида 46 журналист қамоқда сақланди. Бирмада - 13, Сурияда – 10, Хитойда – 9, Эфиопияда – 9 нафар журналист қамоқда сақланди. Бирма ва Сурия қамоқхоналарида журналистларга нисбатан қийноқ жуда оғирдир.

“Чегара билмас мухбирлар” ташкилоти оммавий ахборот воситаларининг “қора” йили деб 1994 йилни номлайди. Чунки бу йилда 103 нафар матбуот ходими қурбон бўлди. “Чегара билмас мухбирлар”нинг фикрича, журналистларни ўлдириш сўз эркинлигини қисишнинг энг ярамас усулидир. Ташкилотнинг билдиришича, 1998 йили ўлдирилган журналистларнинг 11 нафар журналист текшируви билан шуғулланган ва давлат ҳамда гигант корхоналардаги коррупция жараёнини очишга уринган. Улардан 4 нафари Колумбияда, 2 нафари Россияда ўлдирилган. Бангладеш, Бразилия, Мексика, Тайланд ва Филиппинда 1 нафардан журналист ўлдирилган. Саккиз журналист турли хил конфликтлар қурбонига айланди. қамоққа олинган журналистлар сони ҳам ортган. 1997 йилда уларнинг сони 90 нафар бўлган бўлса, 1998 йили 93 тага етган. Шу йили сўз эркинлиги қоидалари бузилаётган давлатлар орасида

Туркия пешқадамлик қилган. Бу ерда 260 нафар журналист полиция томонидан ҳибсга олинган, 60 нафарига эса ҳужум қилинган.

2006 йилда жаҳон бўйлаб қурбон бўлган ва панжара ортига ташланган журналист ва матбуот ходимларининг сони сўнгги ўн йил ичида энг юқори кўрсаткичга етган. 2006 йилда дунё бўйлаб 81 нафар журналист ўлдирилган. “Журналистлар халқаро федерацияси” эса йил давомида 155 журналист ўлдирилганини қайд этди.

“Чегара билмас мухбирлар” ташкилотининг 2006 йил дунё бўйлаб матбуот эркинлигига оид ҳисоботида кўра, ортида қолган йилда 900 га яқин журналист ўз фаолияти сабабли ҳибсга олинган.

2006 йилда қарийб бир ярим минг журналистга ҳужум қилинди ҳамда 56 нафари гаровга олинди. Бундай вазиятдан ташвиш билдириб, БМТ хавфсизлик кенгаши дунё ҳукуматларидан журналистлар хавфсизлигини таъминлаш талаб этилган резолюцияни бир овоздан қабул қилди.

Ироқда 2003 йилда уруш бошлангандан буён юздан зиёд журналист нобуд бўлди. Ироқ, Фаластин каби дунёнинг энг қайноқ нуқталари журналистлар фаолияти учун энг хатарли ҳудуд бўлиб қолмоқда. Аммо уруш ҳаракатлари бўлаётган давлатларда ҳам, тинчлик ҳукм сураётган ўлкаларда ҳам журналистлар кўпинча қасддан нишонга олинади.

2006 йилда Филипинда 13 журналист, Мексикада эса 10 журналист ўлдирилди. Россияда уч журналистнинг, жумладан президент Владимир Путиннинг ашаддий танқидчиси Анна Политковскаянинг ўлдирилгани бу мамлакатда сўз эркинлиги борасида жиддий хавотир уйғотди.

Аммо матбуот эркинлиги билан боғлиқ вазият фақатгина журналистларнинг ўлдирилиши сабабли ёмонлашмайди.

2006 йилда Саудия Арабистони, Беларус, Шимолий Кореядан журналистлар ўлими ҳақида хабарлар олинмаган бўлса-да, бу давлатлар матбуот эркинлиги борасида энг кўп хавотир уйғотаётган давлатлар сифатида эътироф этилмоқда.

Дунё бўйлаб журналистларга нисбатан таҳдиднинг ортиб бораётгани эътироф этган БМТ хавфсизлик кенгаши 23 декабр куни журналистларнинг ўлдирилишини қораловчи ҳамда уларнинг хавфсизлигини оширишга қаратилган резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Бу резолюция ҳукуматлардан уруш шароитида ишлаётган журналистларнинг хавфсизлигини таъминлашни талаб этади.

Сўз ва матбуот эркинлигини ҳимоя қилишни мақсад қилган ташкилотнинг йиллик ҳисоботда, 90 та мамлакатдаги матбуот билан боғлиқ аҳвол ёритилган. Ҳисоботда Шимолий Корея, Эритрея, Куба ва Туркменистон журналистларга энг кучли тазйиқ ўтказётган давлатлар сифатида эътироф этилган.

Ўтган йили 110 журналист ва матбуот ходими ўлдирилган, дейилади ҳисоботда. Бу эса 1994 йилдан бери энг юқори кўрсаткич.

"Бу ташвишга молик ҳол. 2007 йил ҳам журналистлар учун яхши йил бўлмаслигини башорат қиламиз. Бир ойнинг ўзидаёқ олти нафар журналист ва тўрт нафар матбуот ходими ўлдирилди.", дейди ташкилот вакили Люси Мориён¹⁵.

Ҳисоботда Хитой ҳукумати сиёсати танқид остига олинган. Ҳукумат ахборот улашмайди, маҳаллий матбуотни ўз-ўзини цензура қилишга мажбурлайди.

Халқаро матбуотни ҳимоя қилиш қўмитасининг экспертлари таъкидлашича, 1999 йилда 34 нафар журналист ўлдирилган. Улардан энг кўпи (8 нафари) Сьерра-Леоне пойтахтидаги тартибсизликлар пайтида ҳалок бўлган. Олти нафар журналист Югославияда, беш нафари Колумбияда қурбон бўлган. Шарқий Тиморда икки нафар матбуот ходими ўлдирилиб, ўнлаб журналистларга ҳужум қилинган. Россия ошкораликни ҳимоя қилиш фонди маълумотларига қараганда, 1999 йили Россияда ўз касбий бурчини ўташ пайтида 15 нафар журналист қурбон бўлган. Бу маълумот Халқаро матбуотни ҳимоя қилиш қўмитаси статистикасига киритилмаган. Қўмитанинг вице-

¹⁵ www.rsf.org. Reporters without borders.
Matbuot qayerda erkin? <http://www.ziyouz.com>. index.php.option.com

президенти Терри Андерсонга кўра, баъзи давлатлар бевосита ва билвосита уларнинг ишига “аралашаётганлиги” учун журналистларни қийнаш ва ҳатто ўлдиришгача бормоқда. Докладда айтилишича, 1999 йилда журналистларни ҳибсга олиш бироз камайган. 1999 йили дунёнинг турли давлатларида 87 нафар журналист қамоққа олинган бўлиб, бу 1998 йилгидан 31 кишига оздир. 1999 йилда энг кўп журналистлар (19 нафар) Хитойда ҳибсда сақланди. Иккинчи ўринда Туркия бўлиб, бу ерда 18 нафар журналист қамоққа олинди. Қўмитанинг берган маълумотларига кўра, 10 йил ичида хизмат вазифасини бажариш чоғида 458 нафар журналист ўлдирилди. Перулик журналист Соня Гольдберг буни “ўлим цензураси” деб атади.

Давлатларнинг қандай тузумда бўлишидан қатъий назар, журналистларга тазйиқ ўтказиш, уларнинг хизмат вазифалари чоғида ўлдириш, ҳужум қилиш сўз эркинлигини кесишдир. Кўп ҳолларда эса журналистларнинг ўлими ўзлари ёритаётган ҳолатдан келиб чимокда, яъни уруш пайтида ҳамма бир, журналистлар ҳам бошқа аҳоли сингаридир.

Собиқ иттифоқ журналистикаси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, фавқулодда вазиятларда, айниқса уруш ҳолатларида вазиятни ёритиш оддий журналистларга рухсат этилмаган. Бу иш билан махсус ҳарбий журналистлар шуғулланганлар. Бунга улар давлатнинг қаттиқ ҳарбий цензурасига амал қилганлар. Қайта қуриш йилларидан эса оддий журналистлар ҳам ҳарбий ҳаракатларни ёрита бошлаганлар.

1991 йилда Латвияда икки нафар журналист ўлдирилган, Озарбайжонда эса Қорабоғ конфликтлари оқибатида уч нафар журналист қурбон бўлган. Журналистикада 1992 йилнинг қора саҳифалари: Тожикистонда – 22, Грузияда – 3, Озарбайжонда – 2, Россияда – 1 нафар журналист ўлдирилди.

ИККИНЧИ БОБ. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЯНГИ КЎРИНИШЛАРИ ВА ИХТИСОСЛАШУВНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

2.1. Фавқулодда вазиятларда фаолият юритадиган янги журналистика кўринишлари (стрингер, фрилансер, хелекоптер) ва ҳуқуқий омиллари

Ўйлаб топиш қобилият эмас, вақтни беҳуда сарфлашдир. Биз кўп вақтимизни кутубхонада эмас, балки экран қаршисида беҳуда нарсаларни кўришга сарфлаймиз ва энг ачинарлиси кўрган нарсамиз ҳақида баҳслашишга тушамиз.

Сем Доналдсон

ABC News кореспондент

Американинг асосчилари учун журналистика соғлом демократиянинг муҳим босқичидир. Журналистика эркинлик, матбуот эркинлиги, нутқ эркинлиги ва дин эркинлигини кафолатловчи кучдир. Мутахассисларнинг фикрича журналистика соғлом демократия билан икки юз йилдан сўнг тенг мавқейга эга бўлади. Янги асрга келиб журналистикада туб бурилиш ясалди ва журналистика муҳим ва мунозарали ривожланиш босқичига ўтди. Журналистикада янги журналистика тушунчаси пайдо бўлди. Янги журналистиканинг асосини “фуқаро”, “жамоа” журналистикаси деган тушунчалар пайдо бўлди. Бунга сабаб инсонлар орасида биринчидан, демократия ҳар доим ҳам яхши фаолият юритавермайди, дейилса, иккинчи томондан журналистлар демократияни соғломликни таъминловчи кучдир, деган тушунча пайдо бўлди. Айрим зиёлилар қатлами эса жамиятдаги асосий тушунчани бу билан белгилаб бўлмайди, ҳаёт йўқотишлар ва ютуқлардан

иборат, деб фикр билдиришди. Журналистика анъаналарнинг боқийлигини, нейтралликни ва холисликни ифодаловчи жараёндир.

Фуқаро журналистикаси бўйича олим Жай Россен анъанавий журналистиканинг янги журналистикадан фарқларини кўрсатиб берди. Улар қуйдагилар:

- анъанавий журналистика одатда ҳаётни идеаллаштириб, бадийлаштириб кўрсатишга ҳаракат қилади;

- фуқаро журналистикаси бундан фарқли равишда ҳаёт қандай бўлса шундайлигича акс эттиради;

- анъанавий журналистикада журналистика соҳасида фақат журналистлар фаолият олиб бориши ҳамда назарий билимларни пухта ўрганганиданг сўнг амалиётга тадбиқ этадилар;

- фуқаро журналистикасида эса аксинча, журналистика касб эмас машғулотдир, деган қараш мавжуддир. Бунда фуқаро журналистикаси назарий билимлар, кўнималарга эга бўлмасада, амалий жараёнларда ўз тажрибасини ошириб боради.

Янги журналистиканинг энг аудиторияси кўп бўлган мавзулар йўналиши бу албатта криминалистикадир. Фуқаро журналистикасининг ютуқли томони ва баҳсга сабаб бўлувчи жиҳати жиноий ишларни ёритишдир. Янги журналистлар бу даврга келиб халқ ва ҳукумат ўртасидаги масофани бузишди. Журналистлар аудитория талаб қилган ва билишни хоҳлаган мавзуларни кўпроқ акс эттира бошлашди. Бу ўз навбатида журналистиканинг таҳлилий, бадий жанрларнинг чеккага суриб, ахборий жанрни биринчиликка олиб чиқди. Янги журналистикада ҳеч нарса янгилик эмас. Фақат журналистлар янги таҳлилни, янгича қарашни олиб киришди. 1960 йилдан бошлаб журналистлар социал ва сиёсий жараёнларни кузатиш ва ўрганиш орқали бу соҳани кенгроқ қамраб ола бошладилар. Бу ўринда журналистлар фуқаро манфаатларини биринчи ўринга қўйишди. Сиёсий мавқедаги аёллар, бизнес вакиллари ва табиат ҳақидаги мавзулар доирасида

материаллар тайёрлаш юқори ўринга чиқди. Журналистларнинг мавзуга доир ёндашувлари бир-биридан кескин фарқ қилар эди. Аммо журналистлар сайлов жараёнларида, буйрократик ҳукумат ва бизнес лидерлари тўғрисидаги мавзуларни ёритиш жараёнида анъанавий журналистиканинг кучига таянишди.

Журналистлар фактларни ўрганиш жараёнида жараёнга ҳолис баҳо бериб, шу билан биргаликда бор камчиликларни ошкора ёзиш, ҳукумрон тенденция орқали омма қалбида бу вазиятга нисбатан шубҳа ўрнатишган. Янги жупналистикада воқеаларни ўрганиш ва уни ёритишда журналистнинг воқеа тавфсилотларни яхши ўрганмай, тахминий сабаблар, ҳулосалар асосида материаллар тайёрлаш ҳолатлари юзага кела бошлади.

Журналистлар ўртасида рақобатнинг кучайиши ва ўз карераларини яратишга бўлган интилиш ҳамда жараёнларни пухта ўрганмасдан шов-шувли материалларни тайёрлаш журналистикада бир қанча муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлди. Натижада, XXI асрга келиб журналистикада иккита асосий жиҳатга эътибор кучайди. Биринчиси, профессионал этика масаласи бўлиб, ҳар бир журналист ахборот билан ишлаганда аниқ, пухтта ишланган режага асосланган ҳолда фаолият юритиш масаласи бўлса, иккинчиси қийин материал, яъни муаммоли масалани ёритаётганда муаммога қарши курашиш йўлини излаб топиш. Бу икки йўл биргаликда репортёр ва мухбирларнинг ўз ишларини ситқидилдан бажаришига имкон яратди. Янги журналистиканинг кириб келиши аудиториянинг янги қатламини вужудга келтирди. Бу қатлам қуйдагилар:

- аудиториянинг 51 фоизини аёллар;
- 30 фоизин эса 18 ёшдан 34 ёшгача бўлган ёшлар;
- 25 фоизини этник жиҳатдан камчиликни ташкил қилган иммигрантлар;
- 21 фоизин 50 ёшлилар;
- 15 фоизини 5 ёшдан 15 ёшгача бўлганлар ташкил қилади.

Янги журналистикада янгича йўналишни кириб келиши аудитория кўп катламининг янгича хошиш истакларини вужудга келтирди. Булар қуйидагилар:

- саҳифаларнинг кичрайиши ва ахборотнинг муҳим жиҳатини ёритиш;

- жамиятда аёллар ролини кўпроқ ошириш;

- аёлларни қизиқтирадиган масалалар, яъни карера, оила, мода йўналишлари;

- илм ва фан йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган аёллар ҳақидаги материаллар.

Ричерд Савул Вурман “Таҳликали ахборот” китобида ёзганидек, ҳар бир журналист ўқиши ва яна ўқиши керак. Унинг фикрича янгиликлар учта категорияга бўлинади.

1. Эмоцияга бой ахборотлар

2. Бемани ахборотлар

3. Фожеали ахборотлар

Одатда

журналистларнинг аксарияти икки йўналишда бемани ва фожеали ахборотларни кўп берганлиги сабабли аудиторияда кўнгилочар ахборотларга бўлган эҳтиёжлари ортиб боради. Янги матбуотда янги прототиплар шаклланган бўлиб, аудитория анъанавий нашрларга қараганда кўпроқ янги нашрларга бўлган талаби юқори. Ричерд Саул Вурманнинг фикрича, журналистлар ахборотнинг муҳим қийматли томонини ушлаб қололгандагина уларнинг фаолияти таъсирли бўлади. Янги журналистиканинг қуйидаги йўналишлари мавжуд. Булар: ҳеликоптер, фрелансер ва стрингер. Бу журналистлар чегара билмас журналистлар деб ҳам аталишади. Улар мамлакат, ҳудуд ва тил танлашмайди. Улар конфликтли ҳудудга учиб бориб керакли ахборотни олиб қайтишади. Масалан ҳеликоптер журналистларидан Кофи Аннан Жокартага етиб бориб, матбуот учун маълумот олиб қайтган. Бундай журналистлар ахборотни олиши мумкин эмас , деган тушунчани ўзи мавжуд эмас. Ҳиндистон матбуотида қуйидаги эслатма мавжуд: “Дунёда ҳар

куни ҳар жойда турли хил воқеалар, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар, зўравонликлар ва қотилликлардан одамлар азият чекишади. Айнан репортёрлар ва репортёрлар гуруҳи спорт ва бизнес мавзуларга оид материалларни ёритишадию, аммо бундай хатарли ва можароли вазиятларда материал тайёрлай олмайдилар”. Хеликоптер журналистлари эса айнан хавфли вазиятларни ёритишни хуш кўришади. Масалан, Асехда юз берган цунами оқибатида жуда катта тартибсизлик юзага келади. Ва бунинг оқибатида кўплаб одамлар азият чекишади. Мамлакат вице-президенти Юсуф Калла бу вазият ҳақида маълумот беришни истамайди, дея хабар қилади Жоккарта пресс. Стрингер журналистлар бир вақтнинг ўзида бир нечта ташкилотларда фаолият юритиши мумкин. Уларнинг мунтазам иш жойлари мавжуд эмас. Шунинг учун улар маош олишмайди. Фақатгина улар тўплаган ахборотлари учун ҳақ олишади. Стрингерлар якка тартибда фаолият юритишиб, улар ҳам репортёр, ҳам оператор ҳамда фотограф бўлишади. Стрингерлар фавқулодда вазиятларни кўпроқ ёритишади. Улар маҳаллий ОАВ ни тез суратда ахборот билан таъминлашади. Улар тўлиқ штат асосида бирор ОАВ да фаолият юритишса уларнинг мустақил журналист фаолиятига яқун ясалади. Стрингерлар аёл ёки эркак бўлишидан қатъий назар бир нечта ахборот агентликлари билан шартнома тузган ҳолда уларни қимматли ахборот билан таъминлашади. Стрингер журналистлар одатий журналистлардан тубдан фарқ қилади. Стрингер журналистлар тўплаган ахборот бешта саволга жавоб бериши керак. Булар: ким, нима, қачон, қаерда ва нима учун.

Стрингерларнинг биринчи навбатдаги манфаати пул ишлаб топишдир. Уларнинг қўлларида доимо фотокамера ёки видеокамера мавжуд бўлиб, улар қайноқ нуқталарда, хавфли вазиятларда фаолият юритишни афзал билишади.

Фрилансер журналистлар юқорида келтириб ўтилганидек, мустақил журналистлар ҳисобланади. 2012 йилда Шимолий Америкада мустақил журналистларнинг ташкилоти тузилди. Фрилансер журналистларининг 18 фоиз меҳнат фаолиятини ёзиш маҳорати, 10 фоизини мухбирлик, 20 фоизини

дизайн , 8 фоизини таржимонлик, 4,5 фоизини тадқиқотчилик, 4 фоизини профессионализм ташкил қилади.

Фрелансер журналисти Жемима Кисс ўз тажрибалари асосида фрелансер журналистларига қандай қилиб ушбу йўналишда фаолият олиб боришга киришиш ҳақидаги тавсияларни бериб ўтади: фрелансерлар қатъий ва ўз фаолиятларидан оғишмаслиги ва ҳеч қандай қонун танламаслиги, яхши ташкилотчи ва тадқиқотчи бўлиши керак.

Фавқуллодда вазиятлар, яъни уруш майдонларида , конфликтли, қуролли тўқнашувлар давом этаётган ҳудудларда фаолият юритаётган журналистларнинг касбий фаолияти ўзига хос талабларга риоя этилишини тақозо қилади. Жумладан, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

- журналист инсон ҳуқуқларига, урушни олиб бориш, миллий озчиликка муносабат масалаларига дахлдор бўлган миллий ва халқаро нормаларнинг бажаришига кўмак бермоқликка бурчдор;
- журналист ўз материаллари билан уруш ҳолатида бўлган тарафлар ўртасида узилиб қолган мулоқотнинг ўрнатилишига, музокара муҳитини яратишга кўмак бермоғи зарур;
- журналист халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини зўрайиб бораётган зиддиятли ҳолатларга тортмоғи керак;
- журналист халқаро тинчликни сақловчи саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоғи керак;
- журналист кенг жамоатчиликка ахборот тарқатаётганини унутмаслиги, муносабатни янада кескинлаштириши эҳтимоли бўлган ахборотни тарқатишдан сақланмоғи муҳим;
- журналист тарафларни ўз нуқтаи назарларини ифода этишларига бетараф инсон сифатида имкон яратмоғи керак.¹⁶

Ушбу эслатмаларни ҳар бир журналист мураккаб вазиятларда қўл келиши учун дастурамал қилиб олиши лозим.

¹⁶ Роберт Карл Манноф. “Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВ нинг роли”. Бостон, 1990.-Б. 56.

Қайноқ нукталарда ахборот тайёрлашда Ўзбекистон ОАВ ходимлари ҳам курулли тўқнашувлар шароитида жамоатчиликка ахборот етказиб беришда амал қилиши мумкин бўлган халқаро гуманитар ҳуқуқларни билишни тақазо этмоқда. Ана шундай воқеалардан охиргиси 2010 йил июн ойида қўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Ўзган вилоятларида бўлган воқеалардир. Унда иштирок этиш ва бу воқеалар билан боғлиқ ахборотларни ёритиш юзасидан жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистон ОАВга нисбатан турли муносабатлар билдириб, қайсидир маънода ахборот хуружини амалга оширдилар. Шунга қарамадан бундай шароитда Ўзбекистоннинг ўз позицияси бор. Нега Ўзбекистон ОАВ воқеликни кеч, бунинг устига объектив ёритмаган, деган саволга Туркиянинг “Анадоли” ахборот агентлигининг Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон бўйича махсус мухбири Бахтиёр Абдукаримов шундай жавоб беради: “Икки қардош, қондош миллат ўртасида содир бўлган бу тўқнашувлар ёвуз кучлар томонидан махсус уюштирилган. Мақсад аниқ у ҳам бўлса, икки миллат ўртасида нифоқ солиб, шу ҳудудда барқарорликни издан чиқариш ва уруш бошлаш. Ўшда бўлган хунрезликларни кўзим билан кўрдим. Бу воқеалар қандай бўлса шудайлигича берилса, ахборотнинг кучи таъсирида Ўзбекистоннинг 28 миллион фуқароси Қирғизистонда бўларди ва ҳақиқий маънодаги қирғинбарот бошланарди. Мен бу мавзунини ёритишда Ўзбекистон позицияси тўғри деб ҳисоблайман.” Бундан ташқари “қайноқ нукта” ларда, айниқса террорчилик ҳаракатлари содир этилган ҳудудларда журналистларнинг иштироки баъзан ҳарбий ҳаракатларни амалга ошираётган ҳарбийлар учун ҳалақит бериши ҳам мумкин. Масалан, 2004 йилда Россиянинг “Норд-Ост” клубининг террорчилар томонидан қуршовга олиниши ва аҳолини гаровда ушлаб турилиши жараёнларини ёритган журналистларнинг эфирга узатган лавҳаларидан террорчилар ҳам ўз позицияларини кўриш имкониятига эга бўлганлар ва ҳаракатларни ўзгартирганлар. Шундан кейин Россия Федерациясининг ўша пайтдаги Президенти Владимир Путин ҳарбий ҳаракатлар чоғида журналистларнинг иштирокларига нисбатан чекловлар

тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” Қонунининг 20-моддасига мувофиқ, террорчиликка қарши операциялар ўтказиш раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланган. Унга мувофиқ бундай ҳаракатлар чоғида журналистлар фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки миллий хавфсизлик хизмати рухсат бергандагина жараёнларда иштирок этади.¹⁷

Фавқулодда ҳолатларда журналистлар иштирок этиб, керакли ахборотларни етказар экан, табиий савол туғилади: уларнинг ҳаёти хавф остида қолдирмаслик чоралари қай тариқа кўрилади?

Жаҳон афкор жамоатчилиги томонидан бу борада ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалиётда тадбиқ этиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинган. 1899 ва 1907 йилларда киртилган уруш қонунлари ва одатларига доир Гаага конвенциясининг 13-моддасида бу ҳақида батафсил ёритилган. Женева конвенцияси 1-сон Қўма қайдноманинг 70-моддаси қуролли тўқнашувлар пайтида журналистлар ҳимоясини тартибга солади. Унга мувофиқ ҳарбий ҳаракатлар содир содир этилган ҳудудларда бўлган журналист фуқаро сифатида ҳимоя қилинади. Иккинчидан, бундай вазиятларда журналистлар “фуқаро шахс мақомига тўғри келмайдиган ҳеч қандай ҳатти-ҳаракатлар содир этилмаслиги керак”ли таъкидланган.¹⁸ Яъни, агар у ҳарбий ҳаракатларда иштирок этса, кўлига қурол олса, халқаро гуманитар ҳуқуқ меъёрларига кўра, қуролли гуруҳ аъзосига айланади. Бундай ҳудудларда фаолият олиб борадиган журналистлар халқаро ҳужжат – тан олинган халқаро журналистлар ташкилотларида ёки халқаро гуманитар ташкилотлар томонидан бериладиган гувоҳномаларга эга бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Қуролли конфликт давом этаётган ҳудудда хизмат сафарида бўлган фуқаро сифатидаги журналист фуқаро шахсларга халқаро гуманитар ҳуқуқ томонидан бериладиган ҳуқуқлардан тўла тўқис фойдаланади. Қуролли кучларда

¹⁷ Н. Тошпўлатова. Журналистларнинг халқаро ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. –Тошкент. 2012. Б.64.

¹⁸ Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро гуманитар ҳуқуқ. –Т. : -2002.

аккредитациядан ўтган ҳарбий мухбирларга III Конвенсия 4-банд, 4-моддада кўзда тутилган махсус ҳолат мақоми қўлланилади.

Протоколга илова қилинган шахсни тасдиқловчи ҳужжат наъмунасига мос ҳужжати бўлган шахс ҳақиқатдан ҳам журналист ҳисобланади.

БМТ Конвенсиясининг 5-модда 2- хатбоши журналист фуқароси ҳисобланган ҳукумат томонидан бериладиган мазкур ҳужжатнинг орқа томонида “Ушбу ҳужжат эгаси хизмат сафари чоғида профессионал этиканинг барча меъёрларига қатъий риоя этишига ва ўзи борган бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги, ҳеч қандай сиёсий ва ҳарбий фаолиятларга ёхуд жангвор ҳолатларга дахлдор бўлиб қолишдан ўзини эҳтиётлаши зарур”¹⁹, деган эслатмалар мавжуд.

Шу ўринда чегара билмас журналистлар фаолияти халқаро ҳуқуқ томонидан ҳимоя қилинади. Мустақил журналистлар муаян ташкилотда муқим фаолият олиб боришмаганлиги учун улар ташкилот томонидан ҳимоя қилинмайди. Уларнинг фаолияти халқаро доирада қафолатланади ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритишади.

¹⁹ Х. Дўстмуҳаммад. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. –Тошкент, 2011. Б. 44.

2.2. Фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашган ОАВ (Ўзбекистон ва Англия мисолида)

Ихтисослашув тушунчаси жамиятда маълум бир соҳага йўналтирилган ва шу соҳадаги янгиланишлар, ўзгаришларни ўзида акс эттирадиган йўналишдир. ОАВ нинг маълум бир соҳадаги бўлаётган жараёнларнинг олиб борилиши, унда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни ёритиши ОАВ ни шу соҳага ихтисослашувини англатади.

Фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашган ОАВ ҳам мавжуд бўлиб, улар мазкур соҳада олиб борилаётган ҳаракатлар, жараёнларни кенг жамоатчиликка етказиб беришади. Масалан, Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак фавқулодда вазиятларни доимий равишда ёритиб бориш ва аҳолини хавфдан огоҳлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги муассислигида “Вазият” газетаси нашр қилина бошлаган. Ушбу газета 2004 йил 7 май санасидан бошлаб чиқа бошлаган. Газетанинг бош муҳаррири Худойназар Жуманазаров. Газета “Муҳофаза+” журнали ва “Вазият” газетаси бирлашган таҳририятда саҳифаланади. Ушбу нашр Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 3 январда 0096 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган ўқув машғулотлари билан бир қаторда вилоятларда фавқулодда вазиятларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, маънавий-маданий ҳаётни ёритувчи материаллар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қарорлари мунтазам равишда бериб борилади. Энди бевосита нашрда бериб бориладиган материалларни таҳлилига ўтамыз.

“Вазият” газетасининг доимий бўлган “Фуқаро муҳофазаси – умумхалқ иши” номи остида рукн бериб борилади. Унда ҳар бир вилоятда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулотлари мунтазам равишда эълон қилиб борилади. 2013 йил 7

феврал 6-сонида “Мавсумни беталофат ўтказиш учун” номли мақолада Сурхандарё вилоятининг Олтинсой туманидаги “Хўжасоат” ҳудудиди ўтувчи “Вахшиворсой” дарёсининг қирғоғини мустаҳкамлаш бўйча тактик-маҳсус ўқув машғулоти ўтказилган. Ўқув машғулига 23 та маҳсус муҳандислик техникалари, 156 нафар ишчи-хизматчи ҳамда маҳалла фуқаролари жалб қилинганлиги тўғрисида баён қилинган. Бундан ташқари, аҳоли муҳофазаси мақсадида 3 кун давомида 1757 метр куб кум-шағал, ҳарсангтош ҳамда 235 метр данба ишлари амалга оширилиши натижасида дарёнинг ёғингарчилик мавсумида тошқинни олди олинган ва талофатларсиз амалга оширилган.

Ушбу сонда “Ҳалоскор қутқарувчи ” сарлавҳали мақолада Фавқулудда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди Сувда қутқарув гуруҳи ҳайдовчи-қутқарувчиси Абдурашид Тўраев йўлда ҳаракатланаётган “Дамас” русумли автомобил билан “Ласетти” русумли автомобил билан тўқнашиши натижасида содир бўлган автоҳалокатда жабрланган икки ҳайдовчи ҳамда “Дамас”нинг олд қисмида қисилиб қолган 50 ёшлар чамасидаги аёлни қутқариб ўз касбига бўлган фидоийлигини исботлаганлиги ҳақида ёзилган.

Газетанинг 2013 йил 4 апрел 14-сонида “Табиий офат” сарлавҳаси остида мақола чоп этилган. Унда аҳолини табиий офат содир бўлган вақтда қўлланиши мумкин бўлган қоидалар ва табиий офатлардан ҳимояланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маслаҳатлар берилган. Ушбу эслатма ва маслаҳатлар аҳолининг табиий офатлар содир бўлган вазиятларда ваҳимага тушмасдан ўзларини ҳимоя қилиш ва қутқарувчиларга ёрдам бериш учун назарий қўникма ҳосил қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Фавқулудда вазиятлар вазирлиги муассислигида ташкил этилган “Вазият” газетаси фақатгина мамлакатда содир бўладиган фавқулудда вазиятларни олдини олиш чора-тадбирлари ва бу соҳадаги ислоҳатларни акс эттириш билангина чекланиб қолган. Ваҳоланки, Ўзбекистон ҳудудида ҳам табиий офатлар етарлича содир бўлади ва ундан аҳоли азият чекади. Аммо бундай ҳолатларни акс эттирувчи материалларни учратмадим. Масалан, 2012 йилнинг

баҳор мавсумида Жиззах вилояти Бахмал туманида ёғингарчиликнинг кучайиши ва сел келиши ҳамда Туятортар ва Сангзор каналларининг тошиши оқибатида бир нечта қишлоқ сув остида қолди. Минглаб аҳоли азият чекди. Аммо бу воқеалар газетада ёритилмаган. Бундан ташқари, 2010 йилда Ўшда содир бўлган қирғинбарот ҳам газетада ёритилмаган. Нима сабабдан ушбу нашр фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашган бўлишига қарамай бундай вазифани бажармаган, деган саволга газета журналисти Азамат Суюнов қайноқ нуқталардаги ва конфликтли воқеаларни газетамиз ёритмайди. Биз фақат Ўшда бўлган воқеа оқибатида жабрланганларни палаткалар ва озиқ-овқатлар билан таъминлаганмиз холос. Бундан ташқари газетада фаолият юритувчиларнинг аксарияти бошқа соҳа вакиллари ва ҳарбийлардир, дея фикр билдирди. Бизнинг фикримизча, бундай вазиятларда инсонларга ёрдам бериш ва керакли палатка, озиқ-овқат ҳамда кийим-кечак билан таъминлаш фақат Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг вазифаси ҳисобланади. “Вазият” газетасининг эса асосий вазифаси бундай ҳолатларда бошқарманинг бу борадаги фаолияти билан биргаликда, содир бўлган воқеанинг сабабларини ўрганиш, оқибатларини таҳлил қилиш ва аҳолига бу вазият ҳақида ахборот беришдан иборат. Чунки бундай ахборотни аҳолига етказмаслик оқибатида омма ўртасида ваҳима ва турли хил миш-мишлар юзага келади.

Ўш воқеасида ҳам аҳоли ўртасида турли хил гап-сўзлар тарқалиб, вазият ҳақида тўлалигича ҳеч қандай ахборотга эга бўлишмади. Бу вазиятдан эса хорижий ОАВ жуда усталик билан ўз манфаатлари йўлида ёлғон-яшиқ ахборот тарқатиб ўз мақсадларига эришдилар. Бу жараён аҳоли ўртасида Ўзбекистоннинг ОАВга бўлган ишончнинг пасайишига олиб келди.

Энди фавқулодда вазиятларни ёритишдаги Англия ОАВ тажрибасини таҳлил қиламиз. ББС директори Жонатҳан Бакер фавқулодда вазиятларда ББС журналистлари фаолиятини қуйдагича изоҳлайди: “ББСда фаолият юритаётган тажрибали фавқулодда вазиятлар журналистлари ушбу вазиятда ўз

тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда иш тутадилар. Асосийси юз берган вазиятни тўлалигича ёрита оладилар”.²⁰

Бугунги кунда Англия тажрибасини оладиган бўлсак, уларда фавқулодда вазиятларга ихтисослашган ОАВ ни учратиш қийин. ОАВнинг барча турларида фавқулодда вазиятлар “Breaking News” рукни остида бериб борилади. ББСда фаолият юритувчи мустақил журналистлардан бири Милес Гослед фавқулодда вазиятлар янгиликлари тинчлик деворини бузувчи ноқонуний ҳолатлар, табиий офатлар ва жиноий ҳаракатлар бўлиб, у ББС да муҳим ўрин эгаллайди. Госледнинг “Сейвлинг жиноий иши” сарлавҳали мақоласи катта шов-шувга сабаб бўлган ва аудитория ушбу мақоланинг давомини кутишган. Гослед айнан шу мақоласи учун 2009 йилда Британия матбуоти томонидан мукофотланган.²¹

Лондондаги BBC News веб-сайтида фавқулодда вазиятларни акс эттирувчи мақолалар, видеороликлар ва фотографияларни учратишингиз мумкин. 2005 йил 7 июлда Лондонда ерости йўлида террористик ҳаракат амалга оширилади. Бунда мустақил журналистларнинг воқеа жойига тез фурсатда етиб борганлигини ва e-mail орқали хабар юборишлари оқибатида ББС нинг кунлик янгиликларида ушбу янгилик ёритиб борилган. ББС нинг хабар беришича: “Биз 6 соат ичида мингта сурат, 20 та видео, 4 минг сўзли хабар ва 20 минг e-mail олдик. Биз бундай натижани ҳеч ҳам кутмагн эдик. Кейинги куни биз томошабинлардан ҳам видеоли фактларни олдик ”.²²

Англия ОАВ нинг ривожланганлиги ва техник воситаларнинг имкониятлари чегарасиз эканлиги уларнинг ютуғидир. Содир бўлган воқеани шу заҳотиёқ “Breaking News”да узатилиши аудиториянинг воқеа тафсилотига бўлган эътиборини оширади. Англиядаги мустақил журналистлар фаолиятининг тезлиги ва чегара билмаслиги ББСнинг ютуғидир. 2005 йил октябр ойида Покистон ва Ҳиндистон чегарасидаги ер қимирлаши содир бўлган ва ББС журналистлари орқали бир неча дақиқадан сўнг ушбу хабар BBC News

²⁰ www.lenta.ru

²¹ Ўша манба

²² The Missouri Group. News Reporting and Writing. Sixth Edition. –Boston, 1999. on p. 275.

да кўрсатилган. Бундан ташқари, жорий йилнинг сентябр ойида ББС нинг кунлик янгиликларида Афғонистонда содир бўлган воқеанинг тезда эфирга узатилиши аудитория орасида кескин шов-шувга сабаб бўлди. Воқеа шундай содир бўлган. Асад Кил бошчилигидаги толибонлар ҳаракати тинч яшаб турган 300 га яқин оиланинг уй-жойи ва иш жойларини вайрон қилади. Ушбу хабарнинг тез фурсатда узатилиши ушбу фавқулодда вазиятнинг глобал тарзда тус олишига олиб келди. Натижада ОАВ га турли мамлакатларда истикомат қилувчилр, яъни Шветсария, Озорбайжон, Америка, Корея , Япония ва бошқа жойлардагилар томонидан ўзларининг яқинларини аҳволини билишни хоҳлаб миллионлаб саволлар юбориша бошлаган.

Британияда фуқаро журналистикаси ривожланган бўлиб, энг муҳим янгиликларни тайёрлашади. Улар ахборотни жуда тез фурсат ва қийматини баҳолай олган ҳолда социал тармоқ орқали юборишади. Уларнинг фаолияти ҳукумат томонидан қафолатланади.

ББС да 1990 йилдан бошлаб интернет тармоғи орқали ахборотни тақдим этиш кучайган. 2001 йилдан бошлаб рақамли тизимга ўтказилган. Ва бу ахборотнинг тезлигини оширди.

Англиянинг “The New News” нашрининг 2006 йил 19 июн сонида табиий офат, яъни тўфон оқибатида йўқолган бола ҳақида маълумот берилган. Бўлаётган торнадо ўша ерда яшовчи ёш болани учириб кетган. Бу воқеани барча кўрган. Тўфон тугаганидан сўнг бир ярим мил масофадан топишган. Бола қаттиқ жисмоний жароҳат олган ва уни шифохонага олиб боришган.

“Табиий офатлар, урушлар ва ҳоказо тўқнашувлар чоғида”,- деб ёзади америкалик мутахассис М. Бриде. “Эркинлик ва масъулият бир биридан ажратиб бўлмайдиган талабга айланади. Масъулиятсиз эркинлик ҳақиқатни бузишга ва бошқа суиистеъмолчиликка олиб келади. Бироқ эркин бўлмаган тақдирда масъулият ўз аҳамиятини йўқотади”.²³

Журналистларда ахборотнинг йўқлиги ҳам ахборот деган нақлнамо гап

²³ Х. Дўстмуҳаммад. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. –Тошкент, 2011. Б.49.

бор. Уруш кетаётган ҳудуд ёки табиий офат бўлган жойларда ҳеч қандай мухбир ёки журналист тўла-тўқис ўзи истаган даражада ҳаракатлана олмайди, исталган дақиқада зарур ахборотни қўлга кирита олмайди. Бундан, демак, у кечаётган асл жараён ҳақида тасаввурга эга эмас, деган хулоса келиб чиқади. Биринчи жаҳон уруши, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши тажрибалари шуни кўрсатадики, икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида уруш авж олган пайтларда тарғибот ва ташвиқот ишларига шу қадар зўр бериладики, бунинг натижасида воқеалар аслида қандай борапти, қаерда қай ҳолат юз бермоқда деган саволларга деярли ҳеч ким ҳатто, журналистлар ҳам жавоб тополмай қоладилар. Мисол учун Гитлер армияси аҳоли оммасини ҳақиқий ҳолатдан чалғитиш мақсадида махсус миш-мишлар тарқатишга зўр берган. Варақалар тарқатган, дуч келган жойларга плакатлар осган.

Айтиб ўтилган мулоҳазалар ва фактлар ҳам фавқулодда ҳолатларда фаолият юритишга отланган журналист қандай қийинчиликларга рўпара келишидан далолат беради. Қуролли тўқнашувлар ҳудудидан ахборот олиш ва уни тарқатиш алоҳида муаммо бўлса, журналистларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш яна бир жиддий муаммолардан саналади. Журналистга жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолати икки хил бўлади: бири, журналистларнинг бевосита қуролли тўқнашувлар чоғида шкастланиши; иккинчиси, қўлга тушган журналистларга турли тазйиқлар ўтказиш.²⁴

Мазкур икки давлат мисолида фавқулодда вазиятнинг ОАВ да акс эттиришини таҳлил қилдик. Натижада таҳлил жараёнидан келиб чиқиб айтш мумкинки, ОАВ да бериб бориладиган фавқулодда вазиятлар, яъни конфликтлар, табиий офатлар, можаролар, буларнинг барчаси аудиториянинг энг кўпчилигини ўзига торта оладиган ахборот йўналиши ҳисобланади. Чунки бу инсоният ҳаёти масаласидир. Ва барчанинг тақдири ушбу масалалар билан боғлиқ.

²⁴ Ўша манба.

Хулоса

Инсониятнинг ахборотга, уни олиш, фойдаланиш ва тарқатишга бўлган эҳтиёжи мислсиз суъратларда ортиб бормокда. Айтиш мумкинки, ахборотга нисбатан талаб қанчалик кучаяр экан, уни тарқатувчилар ҳам шу даражада кўпайиб бораверади. Шундай экан, холис ва ҳаққоний ахборотларни тарқатиш, жамоатчиликнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Айни пайтда ОАВ замонавий жамиятнинг энг муҳим бўлагига айланиб бормокда. Улар катта кучга эга бўлиб, инсонлар руҳиятига ва уларнинг ҳаётига бевосита таъсир эта олади.

Фавқулудда ҳодисаларда эса ҳали одамлар нима бўлгани ҳақида англай олмаган бир пайтда журналистлар зўр кучга айланади.

ОАВ ни таҳлил қилишда журналистлар билан боғлиқ бир қанча муаммоларни кўришимиз мумкин. Бу энг аввало вақтида ва тўғри ахборотни оммага етказмаслик билан изоҳланади. Баъзида эса журналист ҳис-туйғуларга берилиб кетиб, воқеа юзасидан ўз мулоҳазасини ҳам айтиб юборади.

Мутахассисларни таъкидлашича, “Журналистлар бўлаётган ҳодисаларни шахсий нуқтаи назарини аралаштирмасдан реал ёритиши, оддий яланғоч фактлар билан чекланиши даркор. Ахборот тез, холис, ҳаққоний, аниқ ва ким, нима, қачон, қаерда ва нима учун саволларга жавоб берадиган тартибда етказилиши керак. Ахборотнинг тили содда, омма тушунадиган, қайтариқлар ва мужмал маъноли сўзлардан фойдаланмаслик, ахборот иложи борида қисқа ва лўнда бўлиши лозим.

Журналистлар воқеани қийматини баҳолай олган ҳолда муҳим ва фактларга бой жиҳатларини етказишлари лозим. Журналист етказаётган ахборот аниқ, пухта ва муаммога қарши йўналтирилган бўлиши лозим. Журналистлар давлат ва жамият ўртасидаги дарвозабондир.

Журналист етказётган ахборот омма ўртасида ваҳимани кучайтирмаслиги лозим.

Фавқулодда вазиятларда ОАВ нинг вазифаси ахборотни вақтида ва тез сураатда етказиб беришдан иборат.

Ўзбек журналистикасида фавқулодда вазиятларда ўз вақтида ҳаракат қила олмаслик сабабларини ўрганиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, аввал мана шундай ҳодисалар кам бўлганлиги учун бўлса ҳам, сир тутилганлиги оқибатида бундай вазиятларда журналистлар хусусан, ОАВ ходимлари қандай ҳаракат қилиш мезанизми ишлаб чиқилмаганлиги боиз ўзбек журналистлари бу вазиятда амалий тажрибага эга эмаслар.

Иккинчидан, ОАВ даги техник жиҳозлар қисқа муддатларда ахборот узатиш талабига жавоб бермаслиги ва журналистларнинг техник билимларга эга эмаслиги бунга мисолдир.

Учинчидан, интернет журналистикаси ривожланган бўлсада, матбуот ва ТВ, радио даражасида фаолият юрита олмаслиги ахборотларнинг сиқик ва талаб доирасида берилмаслиги ҳамда шов-шувли, олди-қочди маълумотларнинг берилиши интернет журналистикасига нисбатан ишончсизликни оширади.

Мазкур илмий ишимиз мавзусини атрофлича ўрганиб, шундай таклифлар юзага келди:

Биринчи, фавқулодда вазиятлар журналистлари фаолияти давомида ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ва ҳуқуқий нормаларга асосланиб вазиятни ёритиши лозим. Шундай экан Ўзбекистон ОАВда бундай вазиятларни тўла-тўқис ҳолда ёритиш учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан Англия ОАВ тажрибаларига суяниши лозим.

Иккинчи, фавқулодда вазиятлар содир бўлишини олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни ОАВ да кенгрок ёритиши лозим.

Учинчи, журналист ғавқулодда ҳолатларда сенсацияга айланиб кетиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатишда хушёрликни қўлдан бой бермаслиги керак.

Тўртинчи, ғавқулодда вазиятлар юз берган ҳолатларда журналистларнинг воқеа содир бўлган жойлардан ахборот олиш ҳуқуқи ва ҳуқуқий масалаларни қонунчиликда қайта кўриб чиқиш керак.

Мамлакатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ОАВ томонидан мунозаралар юритиладиган минбар бўлса, иккинчи томондан омма учун ахборот манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам журналист тўхри ахборот бериши, ҳақиқатни ёритиши даркор. Зеро, журналистнинг сабъ-ҳаракати орқали аудиториянинг ОАВ га нисбатан ишончи ошиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Бугун ахборотлашган жамиятда дунёнинг исталган бурчагида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, сиёсий жараёнлар ҳақида исталган пайтда ахборотга эга бўлиш имконияти мавжуд. Бу имконият шунчалик чексизки, ундан кўз юмиб ахборотни яширишнинг иложи йўқ. Бироқ бу имкониятлар ҳуқуқий кафолатлансагина ўз қонуний кучига эга бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 2.Каримов И.А Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.52- 52
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент, Маънавият, 2008 йил. Б.45
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун. Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент, 2009 йил
- 5.Каримов.И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида:Хавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Тошкент, 1997й.
- 6.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Асарлар, 7-жилд, Тошкент: Мумтоз сўз нашриёти, 2011 йил.
- 7.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Асарлар, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда иазиятлар иазирлигини ташкил этиш тўғрисида »1996 й. 4-мартдаги ПФ-13-78-Фармони
9. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро Муҳофазаси тўғрисидаги» Қонуни. – Тошкент, 2000, 26 май.
10. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. – Т.: Адолат, 1992.
11. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар Халқаро Пакти. – Т.: Адолат, 1992.
12. Қудратов.О, Ғаниев.Ф. Фавқулодда Вазиятлар Фуқаро Муҳофазаси. – Тошкент , 2005
13. Илёсова З.Ф.Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни.–Тошкент, «Университет», 2000.

14. Илёсова З.Ф.Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни.—Тошкент, «Университет», 2000.
15. Тошпўлатова Н. Журналистларнинг халқаро ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. —Тошкент. 2012. Б.64.
16. Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро гуманитар ҳуқуқ. —Т. : - 2002.
17. Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. —Тошкент, 2011. Б. 44.
18. Дўстмуҳаммадов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. —
19. www.rsf.org. Reporters without borders.
Matbuot qayerda erkin? <http://www.ziyouz.com>. index.php.option.com
20. Роберт Карл Манноф. “Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВ нинг роли”. Бостон, 1990.-Б. 56.
21. The Missouri Group. News Reporting and Writing. Sixth Edition. —Boston, 1999. on p. 275.
22. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики: Учебное пособие. М.: Изд-во МГУ, 1995.
23. Андреева А.А. Методика преподавания психологии журналистики и проблемы современной журналистики. М., 2005. 82 с.
24. Игорь Гузун. Человек, прежде всего. Практическое руководство по журналистике в области человеческого развития. Игорь Гузун, Всеволод Черней; Факультет журналистики и коммуникационных наук Государственного университета Республики Молдова. Независимый центр журналистики. Представительство ЮНИСЕФ в Республике.
25. Российское Уголовное право: 2 т. Т1. Общая часть: учеб./ ГНБорзенко и др. ; под ред. Л.В.Иногамовой —Хегай, В.С.Комисарова, А.И.Парога. — М.: ТК Велби, «Прозпект», 2006.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

1. www.uza.uz
2. www.mfa.uz
3. www.lenta.ru
4. [www. Gov.uz](http://www.Gov.uz)
5. www.customs.uz
6. www.lex.uz